Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 172 (8662). ● 7 сентябрь, 1985 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

«ҲОСИЛ–85»:

Хабар қилганимиздек Чиноз, Бекобод, Бўка районларида ташкил этилган «оқ олтин» карвонларини пахта пунктларига жўнатиш катта тантанага айланди.

Кеча эса Оққўрғон, Янгийўл районларида дастлабки пахта карвонлари йўлга чиқди.



◆ Суратларда: Чиноз (юқорида) ва Бўка районларида биринчи пахта карвонлари.

А. Зуфаров ва А. Мальцев фотолари.

ОҚҚЎРҒОН

АНИҚ мақсадни кўзлаб, тадбиркорлик билан қилинган ишлар бугунги кунда яхши самаралар берганлиги ҳаммани қувонтирмоқда. Буни Оққўрғон райони пахтакорлари меҳнати мисолида ҳам кўриш мумкин. Деҳқонлар ерни экишга тайёрлашдан тортиб ғўза парваришигача бўлган барча ишларни ўз вақтида ўтказдилар.

Ғўза парвариши даврида асосий эътибор ҳар гектар ерда мўлжалдаги кўчатларни сақлаб қолишга ва уларни серҳосил қилиб ўстиришга қаратилди. Шу туфайли ҳам ғўза тупларида кўсаклар кун сайин кўпайди. Бу йил ҳосил ўтган йилдагига қараганда анча барвақт пишиб етилди.

Кеча район қишлоқлари одамлар билан гавжум бўлди: дастлабки тонна «оқ олтин» ҳосиллари ортилган пахта қизил карвонлари пункт томон йўл олдилар. Одамларнинг чеҳрасидан уларнинг ўз меҳнатлари натижасидан мамнунликлари кўриниб турарди. Ҳосил байрами барчани далаларда яна ҳам фидокорона меҳнат қилишга даъват этувчи тантанага айланиб кетди.

...Беш йилликнинг якунловчи йили янги ҳосилини қабул пунктларига топширишга бағишланган митинг қатнашчилари КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақанинг олдинги сафларида боришга аҳд қилганликларини изҳор этдилар. Улар бутун куч ва техника воситаларини теримга сафарбар этамиз, ҳосилни асосан ўз кучимиз билан теріб оламиз, деган ниятни дилларига жо қилдилар.

Бу ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускорларидан бири «Ленинизм» колхозидир. Колхозда ҳамма имкониятлар ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. Механизаторлар зиммаларига оширилган мажбурият олдилар. Кўпмингкилограммчи теримчилар ҳаракати авж олдирилди.

Бу ташаббус районда кенг қулоч ёймоқда. Бу йил районда 400 дан ортиқ терим машинаси ишлайди. Ҳар бир механизаторга 30—35 гектар пахта майдони ажратиб берилади. Механизаторлар ана шу майдонлардаги пахтани ўзлари йиғиштириб оладилар. Уларга меҳнат ҳақи терилган пахтанинг сифати, майдонларнинг қай даражада тоза терилганлигини ҳисобга олиб берилади. Бу — механизаторлар зиммасига катта масъулият юклайди. Улар айни кунларда дефолиациянинг сифатини ўзлари назорат қилиб бормоқдалар...

Ҳосил байрамида қатнашган колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ меҳнаткашлари бугун далаларда фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Оққўрғонликлар бу йил она-Ватанга кам деганда 60 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун зарбдорчасига меҳнат қилишни бошлаб юбордилар.

Н. РИҲСИЕВ.

ЯНГИЙЎЛ

БУ ЙИЛ янгийўллик пахта усталари мамлакатга 33 минг 200 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб беришга аҳд қилганлар. Далаларда ана шу юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланди. Йиғим-терим ишлари ўтган йилдагига қараганда анча барвақт бошланди.

Кеча дастлабки ҳосил карвонлари «Янгийўл» пахта тозалаш заводи томон йўл олди. Тантанали митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари далаларда етиштирилган ҳосилни тезлик билан йиғиб-теріб олиш соҳасида қўрилаётган тадбирлар ҳақида гапирдилар.

Шу куни «Коммунизм» ва «СССР 60 йиллиги» колхозларининг ҳосилни четдан келадиган ёрдамчиларсиз теріб олиш ҳақидаги ташаббусларини кенг ёйиш тўғрисида келишиб олинди.

Бу йил янгийўллик пахтакорлар жами ҳосилнинг 70 процентини «зангори кема»ларда теріб олишга сўз бердилар. Далаларда 170 та терим машинаси ишлайди. Ҳар бир механик-ҳайдовчи ўз зиммасига конкрет мажбурият олган.

Янгийўлликлар ўз аҳдларининг уддасидан чиқиш ва КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашмоқдалар.

ИВАНОВОЛИК АНГЕЛИНА

ШУНДАЙ кишилар борки, улар билан бир оз суҳбатлашсанг эски қадрдонлардек бўлиб кетасан. Меҳнат Қизил Байроқ орденли 8-Март номидаги Иваново тўқувчилик фабрикаси тўқувчиси Ангелина Алексеевна Скородумова ҳам шундай кишилар тоифасидан.

— Инсондаги барча фазилатлардан меҳнатга виждонан муносабатда бўлишни юқори қўяман, — дейди Ангелина Алексеевна.

А. Скородумованинг ўзи ана шу қоидага фабрикада ишлаётган 13 йил давомида тўла амал қилиб келмоқда. У 10-синфни тугатиб, фабрикага келганда АТ-100 5 М тандали станокларда ишлашни касб ўрганиш учун ажратилган вақтдан анча илгари ўзлаштириб олди. Топшириқларни ошириб бажара бошлади.

Корхонада реконструкция ишлари бошлангач, Ангелина Алексеевна биринчилар қаторида янги техника — пневматик автомат дастгоҳларда ишлашни ўзлаштирди. У ўзи хизмат кўрсатаётган станоклар сонини муттасил кўпайтириб борди. Эндиликда 28 та шундай агрегатни бошқармоқда. Бу тармоқ нормасидагига нисбатан 215 процентни ташкил этади. Тўқувчи барча станокларни моҳирона бошқариб, уларнинг лойиҳадаги қувватидан ҳам кўпроқ - маҳсулот беришга эришмоқда. Шунинг учун ҳам А. Скородумова тўқувчиларнинг шаҳсий меҳнат беллашувида голиблик қилмоқда.

Ангелина Алексеевна ишлаб чиқариш манфаатини ҳисобга олиб, якунловчи йил бошида илғор комплектдан қолоқ участкага ўтиб ишлай бошлади. Бу ерда у бир йўла 13 та типовой автомат ўрнига 28 та дастгоҳни бошқаришга киришди. Янги станокларни созлашда иштирок этди, уларни доим ишга шай ҳолда туришига эришмоқда.

Ангелина Алексеевна бригада аъзолари билан юксак маҳоратини, иш вақтидан самарали фойдаланиш соҳасидаги тажрибасини баҳам кўрмоқда. Ҳақиқатан ҳам ундан кўп нарсани ўрганса бўлади. Масалан, у узилиб қолган арқоқ ипини нормадаги 23 секундда эмас, 15 секундда тугунга эришади. Шундай яна бир операцияда 7 секунд вақтни тежамоқда. Бу тўқувчи иш кўрсаткичларининг яхши бўлишига ёрдам бермоқда. Кўп жиҳатдан худди шу туфайли ҳам А. Скородумова ўзи хизмат кўрсатаётган станокда бир соат давомида нормадаги 7,2 метр ўрнига 8,3 метр бўз тўқилишига эришмоқда.

Донгдор ишчи стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига саккиз йиллик топшириқни бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Унинг қўлидан чиққан барча газлама биринчи сортга қабул қилинди.

Донгдор тўқувчи жамоат ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Фабрика 2-тўқувчилик цехининг биринчи сменаси коммунистлари сурункасига 6 йилдан бери уни партия группа ташкилотчиси қилиб сайламоқдалар. А. Скородумова партия группаси аъзолари ва халқ назоратчилари билан биргаликда шу йилнинг бошида сменада хом ашёнинг чиқитга чиқиши сабабларини чуқур таҳлил қилди. Бир килограмм калаванинг бракка чиқиши қанчага тушишини, ундан неча метр газлама тўқилиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқиб, уни кўргазмали агитацияда акс эттирдилар. Шундан сўнг цехда калава бракка чиқаётган операцияларни аниқлаш мақсадида тўқувчилар ва мастер ёрдамчиларининг ишини, бутун технология жараёнини назорат остига олдилар. Натижада қаттиқ тартиб ўрнатилди. Шу сабабли ҳам ҳозирги вақтда ҳом ашё, материалларнинг исроф бўлишига тўла барҳам берилди. А. Скородумова тежамкорликка олиб келадиган мавжуд резервлар ҳақида партия комитети мажлисида ахборот берди. Мажлисда партия группасининг тежамкорлик соҳасидаги тажрибаси маъқулланди ва бошқа партия группаларида ҳам ёйилди.

— Эндиликда, — деди мен билан суҳбатда Ангелина Алексеевна, — фабриканинг ички бўлинмалари ўртасидаги мусобақа голибларини аниқлашда иш ўринларининг маданияти каби кўрсаткич ҳам ҳисобга олинишига эришмоқдамиз.

А. Скородумова аввало ўз комплектида тартибни йўлга қўйди. У ишга одати бўйича бошланишидан 30—40 минут олдин келади, сменадошидан у ёки бу станок қандай ишлаётганлиги ҳақида сўраб билади. Шундан сўнг бутун смена давомида иш ўрнининг доим озода бўлишига ҳаракат қилади. Унинг бу фазилатига сменадошлари ҳам, бошқа тўқувчилар ҳам эргашмоқдалар.

А. Скородумова ҳақида гап кетгудек бўлса, тўқувчилар албатта «жуда камтар», «гамхўр она», «ажойиб уй бекаси», каби фазилатларни қўшиб гапиришади. Бизнинг мамлакатимизда ўз вазифасига виждонан муносабатда бўлаётган ҳар бир киши ҳурмат ва эътиборга, тақдирга сазовор бўлади. Ангелина Алексеевнанинг фидокорона меҳнати ҳам юксак баҳоланмоқда. Унинг кўксини III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени, «Социалистик мусобақа голиби», «Ўн биринчи беш йиллик зарбдори» нишонлари безаб турибди. У «Область ёшларининг энг яхши мураббийси» деган унвонга ҳам сазовор бўлган.

Моҳир тўқувчи ўтган йил якунлари бўйича мусобақадош областларнинг энг яхши тўқувчилари учун таъсис этилган Йўлдош Охунбобоев номли Тошкент область мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди. Ангелина Алексеевна пневматик асбоб-ускуналарни бошқариш соҳасидаги илғор тажрибасини Ивановода ташкил этилган область илғор тажриба мактабида касбдошларига ўргатмоқда.

Ҳа, моҳир тўқувчи тажрибасидан кўп нарсани ўрганса бўлади.

Р. ГОЛОВИН.

Область мукофоти лауреатлари

М. С. ГОРБАЧЕВнинг УРЕНГОЙ ВА СУРГУТДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 5 сентябрь куни Нижневартовскдан газ қазиб олинадиган энг катта район — Уренгойга келди. Мамлакат халқ хўжалигини табиий газ билан таъминлаётган ўнта магистрал қувур ана шу ердан бошланади. Бу газ конининг меҳнатчилари келгуси беш йилликнинг биринчи йилида табиий газ қазиб олишда лойиҳадаги даражага эришадилар. Айни вақтда газ конденсати қазиб олиш ҳам кўпаяди.

М. С. Горбачев тармоқнинг илғор объектларидан бири — газни комплекс усулда тайёрлаб берадиган қудратли қурилмани бориб кўрди. У мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган илғор технология асбоб-ускуналарини кўздан кечирди. Қурилма коллективи ана шу технология ускунасидан фойдаланиб Ғарбий Сибирда энг юқори меҳнат унумдорлигига — йилига 20 миллиард куб метр газ етказиб беришга эришди. Микропроцессорлар асосида технология жараёнларини бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини яратишга оид ишларнинг бориши тўғрисида маълумот берилди. Системани монтаж қилиш ниҳоясига етмоқда. Бу эса объектни деярли хизмат кўрсатувчисиз ишлатиш, хом ашёни янада сифатли тайёрлаш ундан оқилона фойдаланиш имконини беради. Бир қанча қурилмаларда ҳозирнинг ўзидаёқ шундай системалар монтаж қилинмоқда. Узоқ Шимолнинг мураккаб табиий шароитларида, шу жумладан Ямбург газ конларида ана шу системалардан фойдаланиш мўлжалланмоқда.

М. С. Горбачев автоматика, электроника, микропроцессор техникасидан кенг фойдаланиш газ қазиб олувчиларнинг меҳнат сарфини анча камайтирган ҳолда янада юксак даражага эришишларини таъминлайди, деди. Фан-техника тараққиёти, суръатларини жадаллаштириш — халқ хўжалигининг ёқилғи-энергетика ва хомашё базасини барқарор ривожлантиришнинг бош йўналишидир. М. С. Горбачев ишчилар ва мутахассислар билан бўлиб ўтган суҳбатларда план топшириқлари ва социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги билан батафсил танишди. Газчилар ва қурувчилар КПССнинг бўлажак XXVII съезди шарафига ўз коллективларида социалистик мусобақа авж олдириб юборилганлиги тўғрисида гапириб бердилар. Съезд очилиши шарафига пландан ташқари газ қазиб олиш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилинган.

М. С. Горбачев газ конденсатини ташиш учун комплекс тайёрлаб берадиган заводни бориб кўрди. Бундай корхоналар ташкил этилиши конларнинг табиий бойликларидан янада самарали фойдаланиш йўлини очиб беради.

Тушдан кейин М. С. Горбачев Сургутга келди.

У Сургут ГРЭСини кўздан кечирди. ГРЭСни бу ерда ўрта Обь бўйидаги нефть конлари ва шаҳарларнинг энергетика юраги деб атайдилар. ГРЭСнинг ишлаб турган навбати қуввати 3 миллион 300 минг киловатт бўлиб, бунёд этилаётган станциянинг қуввати эса 4 миллион 800 минг киловаттни ташкил этади.

М. С. Горбачев 2-ГРЭС қурилиши қандай бораётганлиги билан танишди. ГРЭСнинг 800 минг киловатт қуввати биринчи энергетика блоки шу йил баҳорда ишга туширилди. У иккинчи блокнинг шу ой охирида фойдаланишга топшириш учун тайёрлаётган монтажчилар ва синаб кўрувчилар билан суҳбатлашди. ГРЭС нефть билан бирга чиқадиган газ ва табиий газ билан ишлайди. Шу туфайли электр энергия таннархи анча арзонлашди. Сургут ГРЭСини бунёд этишда мамлакат фан ва техникаси ютуқларидан фойдаланиш Ғарбий Сибирнинг нефть ва газ саноати объектларини электр энергия билан таъминлашни янада яхшилаши таъкидланди.

Сўнгра М. С. Горбачев электр ёрдамида юк ортадиган қурилмаларга ишлаб чиқариш хизмати кўрсатувчи марказий базани бориб кўрди ҳамда нефть ва газ қазиб олиш техникасини кўздан кечирди. Ишлатиладиган, қудуқларни ер остида ва капитал ремонт қиладиган ускуналар, механизациялаштирилган ишларга мўлжалланган агрегатлар, технология транспорти, вездеход машиналар намойиш қилинди. Кўздан кечириш чоғида буюмларнинг сифатини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор жалб этилди.

М. С. Горбачев фан-техника тараққиётини кескин жадаллаштириш халқ хўжалигини интенсивлашнинг, тўпланган тажрибадан яхшироқ фойдаланишнинг бош воситаси эканлигини айтди. Мавжуд технологияларни такомиллаштириш, машина ва асбоб-ускуналарни янгилашдан принципиал жиҳатдан янги технология системаларига, сўнгги пайтда яратилган юқори сифатли техникага ўтиш зарур. Бу эса энг юқори самарадорликка эришиш имконини беради.

Сургут шаҳар партия комитетида М. С. Горбачев министрликлар, бирлашмалар, бошқармалар, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари, мутахассислар билан суҳбатлашди. Тюмень областида нефть саноатини, электр энергетикани, транспорт қурилишини жадал ривожлантириш, уй-жойлар, социал-маиший ва маданий объектларни комплекс барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

Самимий ва амалий вазиятда ўтган суҳбатларда корхоналарнинг ишчилари, Янги Уренгой ва Сургут аҳолиси Михаил Сергеевичга ишларида, меҳнат қилаётган коллективлар партиянинг интизом ва тартибни мустаҳкамлашга, ички-ликбозликни тугатишга қаратилган йўлини, ҳар бир иш жойида иқтисод ва тежамкорлик учун кураш олиб бориш йўлини якдиллик билан маъқуллаб қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар.

Уренгой ва Сургутга қилинган сафар вақтида М. С. Горбачевга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Ельцин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. К. Антонов, Н. К. Байбаков, Б. Е. Щербина, Тюмень область партия комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков ҳамроҳлик қилдилар.

5 сентябрь куни М. С. Горбачев Сургутдан Тюменга келди.

(ТАСС).

СИБИРГА—ШАХДАМ ОДИМЛАР

Тюмень ва Томск областлари партия-хўжалик активининг кенгаши

ТЮМЕНЬ, 6 сентябрь. (ТАСС). Бугун Тюмень ва Томск областлари партия-хўжалик активининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Сибирь нефть-газ комплексини тобора ривожлантириш, ресурслардан самарали фойдаланиш вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Ельцин, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари А. К. Антонов, Н. К. Байбаков, Б. Е. Щербина, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, СССР ва РСФСР министрлари, бир қатор бирлашма ва корхоналарнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари қатнашдилар.

Кенгашни М. С. Горбачев очди. У КПСС Марказий Комитети 1986—1990 йилларда Ғарбий Сибирнинг нефть ва газ саноатини комплекс ривожлантириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси чиқарган қарорни амалга ошириш йўлларини муҳокама қилиш учун шу кенгашни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилганлигини айтди.

Кенгашда нефть саноати министри В. А. Динков, газ саноати министри В. С. Черномирдин, нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри В. Г. Чирсков, Тюмень область партия комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков, Томск область партия комитетининг биринчи секретари А. Г. Мельников, «Нижневартовснефтегаз» бирлашмасининг 1-Нижневартовск пармалаш ишлари бошқармаси пармалаш мастери В. А. Казаков, нефть саноати министрининг ўринбосари, Главтюменьнефтегаз бошлиғи В. И. Грайфер, «Тоболпромстрой» бирлашмаси 5-қурилиш бошқармасининг бригадири В. П. Галкина, «Таянефть» бирлашмасининг бош директори А. К. Мухаметзянов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. К. Антонов, «Юганскнефтегаз» бирлашмаси қудуқларни капитал ремонт қилиш мастери В. К. Шадрин, Сургут шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. Г. Аникин, Главмосстройга қарашли 219-қурилиш бошқармаси монтажчиларининг бригадири М. В. Тишченко, Главтюменьгеология бошлиғи Ф. К. Салманов, транспорт қурилиши министри В. А. Брежнев сўзга чиқдилар.

Нотиқлар таъкидлаб ўтганидек, белгиланган планларни муваффақиятли бажариш учун нефть саноатининг қолоқлигини тугатиш йўлида ҳозирги кунданоқ бутун куч-ғайратни сарфлаб ишлаш керак. Шу муносабат билан тармоқни ривожлантиришнинг ҳамма йўналишларини пухта ўйлаб кўриш, узоқроқ истиқболга мўлжалланган ҳисоб-китобларни асослаб бериш, илғор тажрибадан кенг фойдаланиш зарур эканлиги тўғрисида гапирилди.

Сўзга чиққан нотиқлар, машинасозлик саноати нефть ва газ саноатининг, капитал қурилишнинг замонавий машина-ускуналарга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминламаётганлигига, ана шу машина-ускуналарнинг сифати ҳамда пишиқлигини қатъиян оширишга эътиборни жалб этдилар. Бунинг учун жумладан, машинасозларнинг нефтчилар ва газчилар билан ҳамкорлигини ҳар томонлама рағбатлантириш керак.

Давлат Ғарбий Сибирь комплексини ривожлантириш учун жуда кўп маблағ ажратиб бермоқда. Капитал маблағлардан, моддий-техника ресурсларидан кўпроқ самара берадиган қилиб фойдаланиш зарур. Шу мақсадда регионда капитал қурилишни янада юксакроқ даражага кўтариш талаб этилади.

Олимлар Ғарбий Сибирда транспорт магистраллари қурилишининг катта программасини пухта ишлаб чиқишлари лозим эканлиги таъкидлаб ўтилди. Фан нефть-газ комплексини ривожлантиришга салмоқлироқ ҳисса қўшмоғи керак.

План топшириқларининг бузилиши, брак маҳсулот чиқарилаётганлиги, ишлар сифатсиз олиб борилаётганлигига доир фактлар келтирилди. Шимолнинг салга шикаст топадиган табиати омилкорлик билан авайлаб, асралмаётган янги қурилишлар ҳам бор. Уй-жой қурилиши суръатларини тезлатиш зарурлиги тўғрисида кўп гап бўлди. Кишиларга савдо-сотиқ, маиший ва маданий хизматни кескин равишда яхши йўлга қўйиш лозим.

М. С. Горбачев партия-хўжалик активи йиғилишида нутқ сўзлади. Унинг нутқи зўр эътибор билан тинглаб ...

„ОҚ ОЛТИН" ҳирмонига

Областимиз районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 6 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён. (Планга нисбатан процент ҳисобида).

Чиноз	0,45	0,45
Бўка	0,17	0,17
Бекобод	0,04	0,04
Оққўрғон	—	—
Ғалаба	—	—
Коммунистик	—	—
Пискент	—	—
Ўрта Чирчиқ	—	—
Янгийўл	—	—
Область бўйича:	0,06	0,06

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ

Областимиз районларида ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида шу йил 6 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Оққўрғон	8,5	18,2
Бўка	4,4	9,5
Янгийўл	4,5	4,5
Ғалаба	3,0	4,5
Коммунистик	4,1	4,1
Бекобод	2,3	3,6
Ўрта Чирчиқ	1,5	3,3
Чиноз	1,3	1,3
Пискент	0,2	0,2
Область бўйича:	3,4	6,1

9 СЕНТЯБРЬ—БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ—ОЗОДЛИК КУНИ

БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Ш. КАМОЛХЎЖАЕВ,
Совет-болгар дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлими правленнесининг ранси, Тошкент область партия комитетининг секретари.

Қардош болгар халқи учун 1944 йилнинг 9 сентябри — шонли сана. Худди шу куни Совет Армиясининг Болқондаги шиддатли ҳужуми натижасида яратилган қулай имкониятдан фойдаланган Болгария меҳнаткашлари коммунистлар партияси раҳбарлигида монарх-фашист режимини ағдариб ташладилар. Янги мустақил давлат — Болгария Халқ Республикаси туғилди.

Сентябрь революцион ғалабаси болгар халқининг миллий ва социал озодлик учун мардонавор кураши йилномасида янги саҳифа очди, мамлакатнинг кўп асрлик тарихида туб бурилиш нуқтаси бўлди.

Тарих учун 41 йил унчалик узоқ муддат эмас. Аммо шу давр ичида халқ Болгарияси босиб ўтган йўл зулм ва эксплуатациядан ҳалос бўлган, жамиятга раҳбарлик қилишни ўз қўлига олган меҳнаткашлар оммаси нималарга қодир эканлигидан яқол далолат беради.

Болгария бу революцияга қадар кам тараққий этган, саноати ибтидоий қолоқ мамлакат ҳисобланарди. Социалистик қурилиш йиллари даврида Болгария Халқ Республикасининг иқтисодий ва социал тараққиётда улкан муваффақиятларга эришганлиги бутун совет халқини чин қалбдан қувонтиради. Мамлакатда вужудга келтирилган қудратли моддий-техника базаси, замонавий саноат ва юксак механизациялашган қишлоқ хўжалиги экономика барча тармоқларини барқарор суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда. Ҳозирги пайтда Болгария иқтисодий ўсиш ва халқ турмуш фаровонлигини ошириш суръатлари бўйича жаҳонда юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Республиканинг индустриал қиёфасини энергетика, металлургия, машинасозлик, электроника, химия ва резина саноати белгиламоқда.

Жадал индустрлаштириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Ҳозирги пайтда республика агросаноат комплекси юксак механизациялашган. Далаларда 150 мингтадан кўпроқ трактор, 23 мингтадан ортиқ комбайн ишламоқда.

Социализмнинг ўзгартирувчи кучи халқ турмуш фаровонлигини муттасил юксалтиришда ҳам ёрқин намоён бўляпти. Фақат кейинги ўн йил мобайнида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи 1,6, ижтимоий истеъмол фондлари эса икки баравардан ҳам кўпроққа ортди. Пенсия таъминоти, оналикни муҳофаза қилиш, турмуш фаровонлигининг бошқа кўрсаткичлари бўйича Болгария жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Маданий революциянинг изчил, ижодий амалга оширилиши мамлакат маънавий ҳаётини ҳам ўзгартириб юборди. БХРнинг фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқлари маълум ва машҳурдир.

Социалистик Болгариянинг жаҳондаги обрўси йилдан йилга ортиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этиш керак. Республика социалистик ҳамдўстликнинг мустаҳкам бўғини ҳисобланиб, у Варшава Шартномаси Ташкилоти ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ишида фаол иштирок этмоқда, қардош социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаяпти.

БХРнинг ҳар тарафлама ва жадал ривожланишида совет-болгар дўстлиги қудратли омил, ҳаракатлантирувчи куч бўлаяпти. Бу дўстлик турли авлодлар вакилларининг биргаликдаги курашда тўккан қонлари билан мустаҳкамланган. У вақт синовидан ўтган, социализм ва озодлик учун биргаликдаги курашда тобланган. Бу дўстлик пролетар интернационализми юксак принциплари, Ленин, Благоев, Димитров васиятлари асосига қурилган.

КПСС билан БКП ўртасидаги қардошларча муносабатлар иттифоқимизнинг асоси, унинг куч-қудрати манбаидир. Совет—болгар муносабатлари барқарор ривожланиб бораётганлиги, бу қон-қардошлик социалистик интернационализм асосига қурилганлиги шу йил июнь ойида Москвада М. С. Горбачев билан Т. Живков ўртасида бўлиб ўтган дўстона учрашув пайтида яна бир карра таъкидланди. Совет-болгар ҳамкорлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётган ўртоқ Тодор Живковнинг Ленин ордени билан мукофотланиши болгар халқига ва Болгария коммунистик партиясига бўлган чинакам меҳр-муҳаббатимиз ва ҳурматимизнинг рамзи бўлди.

Шу йил 7 июнда СССР билан БХР ўртасида имзоланган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли программаси совет-болгар муносабатларининг чинакамига программавий ҳужжати бўлди. Бу шартнома халқларимиз ўртасида ҳар тарафлама ҳамкорликнинг янги, янада кенг уфқларини очиб беради.

Социалистик қурилиш йилларида СССРнинг қардошларча ёрдами билан Болгарияда 300 тадан кўпроқ йирик саноат объекти қурилди. Улар мамлакат иқтисодий потенциалининг негизи бўлди. Совет Иттифоқи қардош давлатга қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини, автомобиль ва ҳаво транспортини ривожлантиришда актив ёрдам кўрсатяпти. Ўтган йилнинг ўзида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо обороти 11 миллиард сўмликни ташкил этди. Бу кўрсаткич ҳар беш йилликда сезиларли даражада кўпаяётганлиги диққатга сазовордир.

Иқтисодий ҳамкорлигимизда ҳам сифат ўзгаришлари рўй беряпти. Совет Иттифоқи ва Болгария Коми АССР-да биргаликда ёғоч-тахта тайёрламоқдалар, темир рудасини қазиб олиш бўйича янги қувватларни ишга туширмоқдалар, Ғарбий Сибирь нефтчилари, газ қувурлари қурувчилари учун турар-жойлар барпо этмоқдалар.

Илмий-техникавий ҳамкорлигимиз жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Масалан, 1977—1982 йилларда 2300 нафардан кўпроқ совет олимлари, инженер ва техниклари Болгарияга ёрдам кўрсатишди. 7600 нафар болгар мутахассиси эса СССРда малака ошириди. 1965 йилдан буён Болгария «Интеркосмос» программасини тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этмоқда. 1979 йилда биринчи болгар космонавти Георгий Иванов «Союз-33» космик кемасида совет космонавти Николай Рукавишников билан биргаликда космосга парвоз қилди.

Совет-болгар дўстлигининг кўринишлари серқиррадир. БХР ва Ўзбекистон, Болгариянинг алоҳида округлари ҳамда республикамиз областлари ўртасида йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган алоқалар бунинг тимсолидир. Бу алоқалар турли йўналишлар бўйича: партия, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари, профессионал артистлар ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари, спортчилар; туристик ташкилотлар ўртасида йўлга қўйилган.

Ҳамкорлигимизни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга совет-болгар дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлими ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. У Тошкент, Андижон областлари, Бухоро ва Қарши шаҳарлари бўлимларини бирлаштириб турибди. Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида энг йирикларидан ҳисобланган бўлимимизга 125 та саноат корхонаси, хўжаликлар, илмий-тадқиқот, маданий-маърифий ва ўқув муассасалари коллектив аъзодир.

Бундан бироз илгари Тошкент области ва Хасково округи меҳнаткашлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлигининг 20 йиллигини нишонлаган эдик. Бизларни бир-биримиздан салкам 5 минг километр ажратиб турган бўлса ҳам, қон-қардошлигимиз жуда мустаҳкам.

Болгар дўстлармиз Хасково округида хўжалик ва маданий қурилишда эришилаётган катта муваффақиятларда Тошкент области билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар. Ўз навбатида биз ҳам болгар қардошларимиздан кўп нарсани ўрганяпмиз.

Амалий муносабатларимиз ўртасида партиявий алоқалар алоҳида ўрин тутади. Областимизнинг партия ходимлари, йирик корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари мунтазам равишда Хасково округида бўлиб турадилар. Биз эса БКП Хасково округ комитети масъул ходимларини қарши оламиз. Бу учрашувлар партиявий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорлигимизга собитқадамлик ва самарадорлик бахш этишга хизмат қилмоқда.

Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари коллективлари ўртасидаги амалий алоқалар ҳам кўп йиллик тарихга эга. 50-йилларнинг бошларидаёқ Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари ва ишчилари Хасково округида Болгария индустриясининг тўнғичларидан бири — Димитровград химия комбинатини қуриш ва ишга туширишда амалий ёрдам кўрсатган эдилар. Ҳимикларнинг бу алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб, ажойиб самаралар беряпти.

«Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Димитровграддаги «Вулкан» цемент заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати ва Жеко Димитров номидаги завод, «Главташкентстрой» ва Хасково қурилиш-монтаж бўлинмаси, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми ва капитан Андреев номидаги давлат хўжалиги, Калинин районидаги «Хасково» совхози ва Хасководаги «Назарбек» хўжалиги коллективлари ҳам бир-бирлари билан амалий алоқалар ўрнатганлар.

Ўзбек ва болгар меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақа ҳам ажойиб самаралар беряпти. Хасковоликлар ўз шаҳарларининг 1000 йиллик юбилейини нишонлайдиган ушбу йилда меҳнат беллашуви айниқса авж олиб кетди.

Ҳар йили Хасково округининг энг яхши иккита ишлаб чиқариш коллективига Тошкент область касаба союзлари Совети томонидан таъсис этилган Қизил байроқ топширилади. Ишлаб чиқариш илғорлари ва зарбдорларни мукофотлаш учун 50 та фахрий ёрлиқ ва нишонлар юборилади. Ўз навбатида Тошкентнинг энг яхши ишчилари Хасковода таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланадилар.

Болгарияда ўзбек ёзувчиларининг, Ўзбекистонда болгар адибларининг таржима қилиниб, нашр этилаётган асарлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, кейинги йилларнинг ўзида Болгарияда Ғафур Ғулом, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор ва бошқаларнинг асарлари таржима қилиниб, чоп этилди. Ўзбекистонда эса 11 нафар болгар ёзувчисининг асарлари нашрдан чиқди. Тошкент театрларининг саҳналарида болгар муаллифларининг спектакллари намойиш қилинмоқда. Матбуот органларимиз, ёшлар ва спорт ташкилотлари ҳам ўзаро мустаҳкам алоқа ўрнатганлар.

Мактабларимизда интернационал дўстлик клублари ташкил этилган. Уларнинг аъзолари болгариялик меҳмонлар билан учрашувлар ташкил этмоқдалар, қардош мамлакатдаги тенгдошлари билан хат ёзишиб туришади.

Қардош Болгарияга саёҳатга бораётган туристлар сони ҳам ортиб бормоқда. Кейинги беш йиллик давомида БХРда Ўзбекистондан аввалги беш йилликдагига қараганда икки баравар кўп туристлар бўлди. Шунингдек, бизнинг республикамизга келаётган болгар туристларининг сони ҳам икки баравларга ортди.

Қардош дўстларимизни Болгарияда социалистик революция ғалаба қозонганлигининг 41 йиллиги билан қизғин ва самимий муборакбод этар эканмиз, уларга Болгария Коммунистик партияси XII съезди қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятлар тилаб қоламиз.



◆ ВАРНА социалистик Болгариянинг энг гўзал шаҳарларидан бири. У йирик порт шаҳари ва саноат маркази бўлибгина қолмай айни пайтда машҳур халқаро курорт ҳам ҳисобланади. Унинг бу ҳусусиятлари Варнани ривожлантиришнинг 40—50 йилга мўлжалланган бош планида ҳам ўз ифодасини топди. Мазкур план Димитров мукофотига сазовор бўлди.

Суратда: Карл Маркс номидаги ҳиёбонда.

БТА—ТАСС фотоси.

• ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИДАН

БИЗДА ОЗУҚА ЛАВЛАГИСИ ҚАНДАЙ САҚЛАНАДИ



БУ ЙИЛ Тошкент области колхоз ва совхозлари озуқа лавлагиси майдонларини анча кенгайтирдилар. Ҳозир шу майдонларда мўл ҳосил етилмоқда. Эндиги асосий вазифа уни қисқа муддат ичида йиғиштириб олиб, қиш ойларида нобуд килмай сақлашдир. Чунки озуқа лавлагиси ҳар қанча мўл бўлмасин, у яхши сақланмаса қишда чириб, кўп қисми нобуд бўлади, озуқакорларнинг ёз ойларидаги меҳнатлари беҳуда кетади, сигирларнинг сути ҳам кўпаймайди.

Бизнинг хўжалигимиз аъзолари кўп йиллардан бери кенг майдонларда озуқа лавлагисидан мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Шу муносабат билан бу ҳосилни молларга едириб бўлгунча ҳеч нобуд қилмай сақлаш бўйича ҳам катта тажриба орттирилган.

Масалан, ўтган йили 15 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 600 центнердан озуқа лавлагиси йиғиштириб олинди. Қишлов учун ҳар бир соғин сигир ҳисобига 5 тоннадан қимматли озуқа жамғариб қўйилди. Бу эса 1984—1985 йилларнинг қиш даврида ҳам сигирлардан ёздагидек мўл сут соғиб олиш имконини берди.

Бизда етиштирилган лавлаги ҳосилини йиғиштириб олишга октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида ёппасига киришилиб, бу муҳим иш қисқа муддатларда тугатилади. Бунда ҳосилни йиғиштиришдан аввал тараладиган сўнгги сувнинг аҳамияти каттадир. Сувдан сўнг тупроқ етилиши билан лавлаги кавлайдиган агрегатларни ишга соламиз. Улар кетидан хўжалик аъзолари ёппасига далаларга сафарбар этилиб, лавлагининг банди пичоқлар ёрдамида кесилади. Кейин лавлаги оралиғидан тележкали тракторлар бемалол юра оладиган қилиб тўпланади.

Озуқа лавлагиси даланинг ўзида шундай йўл билан тозаланаётганида асосий эътибор уларнинг заха бўлмаслиги ва бандларининг тўла қирқилишига қаратилади. Агар лавлаги эзилса, пичоқ тегиб кесилса, кейинчалик улар ўраларга босилган пайтда аста-секин чирий бошлайди ва ўрага қўмилган ҳамма лавлагининг чириб-айнишига олиб келади. Шунингдек, ўраларга қўмилган лавлаги орасида кесилмай қолиб кетган бандлари бўлса, улар ҳам озуқанинг бир қисмини чиритиб, нобуд қилади.

Шунинг учун кесилган, эзилган лавлагилар алоҳида териб олиниб, шу куннинг ўзидаёқ фермаларга жўнатилади ва молларга едириб юборилади. Сифатли лавлаги эса трактор тележкаларида авайлаб ташиб олиниб, ўраларга белгиланган тартиб билан қўмилади. Чорвадорларимиз озуқа лавлагисини ҳар йили ҳаво алмашиб турадиган қилиб кавланган ўраларда сақлашнинг ҳаддини олишган.

Ўра қазиш учун танланган жой яхшилаб текисланади, енгил намланади, сўнгра чуқурлигини 25—30 сантиметр, кенглигини эса 240 сантиметр қилиб ўра кавланади. Ҳаво айланиб туришн учун ўранинг остки қисмида узунасига вентиляция йўли қолдирилади. У худди шундай кўндаланг вентиляция йўли билан туташтирилади. Узунасига вентиляция йўли учун ўранинг ўртасидан 25 сантиметр чуқурликда ва 35 сантиметр кенгликда ариқча кавланади. Бу ариқчаларнинг бошидан охнригача йирик лавлагилар қўлда кўпроқ ғовак жой қолдириб тахланади. Устидан эса даладан келтирилган лавлаги тўкилади.

Лавлагини қўмишга сафарбар этилган ишчилар озуқани маълум қияликда уйиб чиқишга алоҳида эътибор берадилар. Шундай қилинганда ўранинг усти том шаклида қия ёпилади ва қишнинг ёғин-сочинли кунларида ёмғир ва қор сувлари силқиб, ўранинг ичига оқмайдиган бўлади.

Ўранинг ҳар 5—7 метрига баландлиги камида 230 сантиметр бўлган мўрилар (тахтадан ясалган) тик ҳолда ўрнатилади. Ўранинг остидаги вентиляция линияси орқали ўтадиган ҳаво ана шу мўрилардан юқорида чиқиб, шу тарзда алмашиб туради.

Лавлаги ўраларга жойлаб бўлингач, усти тупроқ билан шиббалаб қўмилади. Ўранинг ҳар икки бошида ва тоининг икки томонида 6—8 метр масофада биттадан туйнуклар қолдирилади. Кейин бу туйнукларнинг усти моллар нинг охурларида қолган нушхўртлар ёки табиий ўт пичанлари билан ёпиб қўйилади. Бу туйнуклар ҳам ҳаво алмашувига ёрдам беради.

Сақланаётган лавлагининг ҳолати ва об-ҳавога қараб ўраларнинг туйнуклари вақти-вақти билан очиб қўйилиб, лавлаги шамоллатилади. Кунлар қаттиқ совуб кетган пайтда эса тупроқ билан қўмиб, маҳкамлаб қўйилади. Ўралар шундай тартиб билан кавланиб, лавлаги ҳосили яхшилаб қўмилса, озуқа 15—20 апрелгача бузилмай, чиримай сархил ҳолда сақланади ва озуқа рационини қиш бўйи бойитишга хизмат қилади.

Н ГУСАКОВ,
Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми директори.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

◆ БХРда саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми урушдан аввалги 1939 йилга нисбатан 84 бараварга, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 236 бараварга ортди. Энергетикада бутун 1939 йилда эришилган кўрсаткичга атиги икки кеча-кундузда, машинасозлик ва металлга ишлов беришда эса бор-йўғи 1,5 иш соатида эришилмоқда.

◆ Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш жадал суръатларда кўпаймоқда. Масалан, тўқимачилик ва тикувчилик саноатида ялпи маҳсулот ҳажми 1939 йилдагига қараганда 45, целлюлоза-қоғоз саноатида — 78, чарм, мўйна ва пойабзал саноатида—51, озиқ-овқат саноатида 25 бараварга кўпайди.

◆ 1948 йилда бошланган биринчи Болгария беш йиллигидан буён моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони 362 мингдан 2 миллион 644 мингга етди. 370 минг нафар болгар меҳнаткаши меҳнат жасоратлари учун орден ва медаллар, билан мукофотланди, 1300 нафардан кўпроқ киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди.

◆ Аҳоли жон бошига тухум истеъмол қилиш 1939 йилдагига нисбатан икки, сут — 3, гўшт — 5 бараварга кўпайди.

◆ Болгарияда халқ ҳокимияти йилларида ўртача умр кўриш 20 йилга узайди.

◆ Социалистик қурилиш ва мамлакатни бошқаришда Болгария Коммунистик партияси билан биргалиқда Болгария Деҳқонлар халқ иттифоқи ҳам қатнашмоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг бу сиёсий партияси сафида 120 минг киши бор.

◆ СССРда етказиб берилаётган хом ашё ва материаллар ҳисобига Болгариянинг табиий газ, пўлат қуймалар, темир рудаси, тошкўмир, ёғоч-тахтага бўлган эҳтиёжларининг ҳаммаси, нефть, нефть маҳсулотлари, целлюлозага бўлган эҳтиёжларининг 90 проценти, пахтага бўлган эҳтиёжининг 68 проценти, машина ва ускуналарга бўлган эҳтиёжининг ярмидан кўпроғи қондирилмоқда.

◆ Мамлакатларимиз ўртасидаги қалин илмий-техникавий ҳамкорлик туфайли Болгария индустрияси катта муваффақиятларга эришмоқда. Фақат шу беш йилликнинг ўтган йиллари давомида 200 та совет ва 150 та болгар илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари халқ хўжалигининг барча соҳаларида 650 та йўналиш бўйича биргаликда иш олиб бордилар. Бунинг натижасида 139 та янги машина ва система, асбоб-ускуналарнинг турлари, 35 та янги технологня яратилди. Биргаликда ишлаб чиқилган 250 тадан кўпроқ янгилик ишлаб чиқаришга жорий этилди.

ҚУТЛОВ

УНИ ЯХШИ ТАНИЙМИЗ

Атоқли рус кимёгар олими Д. И. Менделеев «Илмда кучли бўлган, уни яхши эгаллаган ва унга ихлос қўйган ўқитувчигина жами ўқувчиларга самарали таъсир кўрсата олиши мумкин», деган эди. Дарҳақиқат, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ветеран, ўқитувчиларидан бири, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, педагогика фанлари кандидати, ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти, республика халқ маорифи аълочиси Белги Мирзаахмедов бутун ҳаёти давомида бу фикрларга амал қилиб, ёшларга чуқур билим бериш, уларни коммунистик руҳда тарбиялашдек эзгу ишга ўзининг самарали ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Б. Мирзаахмедов Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида таваллуд топди. У қишлоқ мактабини битиргач, педагогика билим юртида ўқиди, сўнгра мактабда муаллимлик қилди. Улуғ Ватан урушида иштирок этди. Бўлинма командири сифатида қардош украин тупроғини фашистлардан тозалашда қатнашди. 1944 йилда оғир ярадор бўлгач, ўз қишлоғига қайтиб, ўқитувчилик касбини давом эттирди.

У тил ва адабиёт ўқитувчиси, илмий бўлим мудири ва мактаб директори бўлиб ишлади. Б. Мирзаахмедов бу касбларда меҳнат қилиш билан бир вақтда Низомий номидаги педагогика институтининг тарих ва ўзбек филологияси факультетларини сиртдан ўқиб битирди.

Шундан сўнг Б. Мирзаахмедов аспирантурага кирди. 1966 йилда «Ўзбек мактабларининг 6-синфида ёрдамчи сўзларни ўқитиш» мавзусида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Мана, тажрибали педагог қарийб 25 йилдан буён студентларга ўзбек тилини ўқитиш методикаси фанидан лекциялар ўқиб, амалий машғулотлар ўтказиб келмоқда.

Иқтидорли олимнинг кўпгина илмий мақолалари турли тўпламларда, журнал ва газета саҳифаларида босилди. 1970 йилда «6-синфда ёрдамчи сўзларни ўтиш» номли методик қўлланмаси нашр қилинди. У шунингдек, «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» дарслигининг авторларидан биридир.

Доцент Б. Мирзаахмедов таълим ва тарбиявий ишлар олиб боришда самарали меҳнат қилмоқда. Унинг ўнлаб шогирдлари институт ва республика миқёсида ўтказилаётган илмий конференцияларда фаол қатнашиб совринли ўринларни эгаллашди. Педагоглик соҳасидаги хизматлари бир неча бор Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Белги ака Мирзаахмедовни фақат педагог ва студентлар, олимларгина эмас, балки кўпчилик журналистлар, матбуот ходимлари ҳам яқиндан танийдилар. У матбуотнинг жамоатчи жонкуярларидан бири дир.

Ёшларнинг мураббийси ва таниқли олим Белги Мирзаахмедов 60 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Белги акани самимий табриклаб, илмий-педагогик фаолиятида янги муваффақиятлар тилаймиз.

Р. ҒАНИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚУЛФЛАНГАН СТАДИОН

Газетанинг 2 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида берилган мақолада Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозда физкультура ва спорт ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, спорт иншоотлари ишламаётганлиги танқид остига олинган эди. Колхоз партия комитети секретари А. Сафаровнинг хабар беришича мақола маданий-оқартув муассасалари ходимлари, спорт инструкторлари, касаба союз, комсомол ходимлари иштирокида колхоз правлениеси ва партия комитетининг қўшма мажлисида муҳокама қилинди.

Муҳокама давомида камчиликларни зудлик билан тугатиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди. Шу тадбирлар асосида стадион қисқа вақт ичида тўла ремонтдан чиқарилди, спорт ва физкультурани ривожлантириш юзасидан перспектив планлар ишлаб чиқилди. Шу план бўйича 17—18 августда стадионда колхоз спартакиадаси ўтказилди. Бундан буён ҳам спорт ва физкультура ишларини ривожлантириш колхоз партия комитети назоратида бўлади.

ВАТАННИНГ ЗИРҲЛИ ҚАЛҚОНИ

8 СЕНТЯБРЬ— ТАНКЧИЛАР КУНИ

◆ Қизил байроқли Сибирь ҳарбий округининг жангчи танкистлари «КПСС XXVII съездига фидокорона меҳнатимиз» шиори остида ўтаётган социалистик мусобақада кўтаринки руҳ билан иштирок этмоқдалар. Улар тинимсиз равишда ҳарбий тайёргарликни ошира бориб, актив ва дадил ҳаракатлар олиб бориш санъатини ва техник яхши таъминланган «рақиб»ни енгиш илмини эгаллаётирлар. Тажриба шуни кўрсатяптики, жанговар ва сиёсий синовда ғоявий мустаҳкам, Ватан олдидаги ўз бурчини чуқур англаб етган солдатларгина яхши натижалар кўрсатадилар. Суратда: Н-қисми партия комитети секретарининг ўринбосари майор Григорий Целогуз комсомол-жангчилар билан ўқув машғулотлари олиб бораётир. (Чапдан ўнгга) солдатлар Ш. Азаматов ва И. Худойберганов, майор Г. Целогуз, солдат С. Воронков ва танк командири, сержант Рамиз Бали-Агланов.

А. Кузярин фотолари.
ТАСС фотохроникаси.

ОЙБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

БУЮК АДИБ

Улкан санъаткорларнинг кўпчилиги учун хос бўлган «Нурли ижод» деган таъриф Ойбек шахси ва асарларига нисбатан айтилганда алоҳида бир тароватли мазмун касб этади. Ёзувчи ва унинг асарлари ўртасида, етакчи ижобий қаҳрамонлар билан адибнинг ўзи, унинг табиати ўртасида аксар ҳолларда кўз илғамас муштараклик бўлади. Лекин баъзан тарихда ёзувчи билан унинг асарлари ва қаҳрамонлари ўртасидаги ижобий ва нурли фазилатлар мос ва мутаносиб келмайдиган ҳоллар ҳам учраб туради. Буюк ёзувчи Ойбек бундайлардан эмас. У энг аввало инсон ва шахс сифатида ниҳоятда нурли сиймо бўлганлигини уни яқиндан таниган кишилар жуда яхши эслайдилар. Баъзан у ёки бу шахсга нисбатан «катта ҳарф билан бошланувчи инсон эди», деган нисбат эшитамиз. Агар таъбир жоиз бўлса, Ойбек ҳам ана шундай Инсон эди!

Ёзувчини унинг ижодисиз, конкрет асарларисиз тасаввур қилиш қийин. Бироқ шундай бўлса-да, Ойбекнинг бадиий ижоддан (ўз ижодидан) ташқаридаги шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги асосий фазилати нимадан иборат эди, деган савол бериладиган бўлса, унга ҳар ким ўзича жавоб беради. Лекин биз унинг етакчи фазилати ўзгаларга ва ҳатто қўлидан келган даражада барчага ёрдам беришдан, оғирини енгил қилишдан, нима биландир бировнинг кўнглини хурсанд қилишга интилишдан иборат эди, деб жавоб берган бўлардик. Эҳтимол, шунинг учундир унинг чеҳрасидан ҳам, кўзидан ҳам, сўзидан ҳам нур ёғилиб тургандек бўлаверади. Наинки унинг ўзи, диққат билан тикилсангиз, унинг суратларидан ҳам нур ёғилаётгандек туюлади.

Адиб шахсидаги имкони борича одамларга яхшилик қилиш истаги унинг асарларида ҳам бош ва етакчи йўналишни ташкил этади. Бадиий асар ўз қонуниятларига кўра қаҳрамонлар ҳаракати ва характеридаги катта ижтимоий салмоқ, синфий ва партиявий моҳият, гуманистик ғояларни ўзида ифодалайди. Асар бошида синфий қарама-қаршиликларни етарлича тушуниб етмаган Йўлчи ҳаётдаги адолатсизликлар ва айрим хўрликларни кўргач, аввало шу конкрет, айрим кишиларга ёрдам бериш истагидаги тенгсизлик турмушдаги энг муҳтаккаб нарсалардан бири эканлигини англаб боради. Бу тенгсизлик, бу хўрлик, бу адолатсизлик баъзи кишилар тақдиридагина эмас, балки бутун меҳнаткаш халқ бошида борлигини тушуниб етгач, жамият ва меҳнат неъматлари унинг яратувчилари қўлида эмас, аксинча уни эзувчи «бир ҳовуч» бой ва бойваччалар қўлида эканлигини етарлича чуқур идрок этади ва бу адолатсизликлардан қутулиш йўлини излаш Йўлчининг бош ғоясига айланади. Натижада, дастлаб фақат айрим кишиларгагина ёрдам бермак истагида учқунланган ғоя роман ниҳоясига бориб бу тенгсизликдан, азоб-уқубатдан қутулиш учун бутун халққа, жамиятга ёрдам бериш ҳоҳишидан иборат машъалага айланади.

Ойбекнинг ўзи билан унинг кўпчилик ижобий қаҳрамонлари ўртасида ўхшашлик ва яқинликлар бор, дедик. Бу фақат адабий-тахлилий фикр фарази ва тахминигина бўлиб қолмасдан, бу қарашнинг маълум ҳаётий асослари ҳам бор. Йўлчи дунёқарашининг шаклланиш жараёни билан биринчи жаҳон уруши ва мардикорликка олиш воқеалари арафасида романдаги яқин бўлган ҳодисаларни кўрган, асар қаҳрамонларига ўхшаш кишиларни таниган бўлажак адибнинг ҳали аниқ шаклланмаган қаҳрамонларини қиёслаш улар ўртасида муайян яқинлик бор эканлигини кўрсатади. «Болалик» қиссаси, ёзувчи биографиясидаги деталлар бу фикрни тасдиқлайди.

Ёки «Қуёш қораймас» романининг яратилиш тарихига, унинг бош қаҳрамони Бектемирнинг адиб лабораториясида бўй кўрсатиш жараёнига назар ташлайлик. Ёзувчи урушнинг дастлабки ойларидаёқ уруш ҳақидаги достон ва роман учун материал йиға бошлайди. «Красная звезда» газетасининг 1941 йил сентябрь-декабрь ойларидаги материаллардан, кейинчалик генерал-лейтенант Е. А. Шиловскийнинг «Москва остоносида немисларнинг тормор қилиниши» мақоласидан, 28-гвардиячи панфиловчиларга оид материаллардан конспектлар олади. Бироқ, буларнинг барчаси фактлар эди, холос. Бу фактларга жон ато этувчи жонли инсон керак эди. Лекин бош қаҳрамонга асос сифатида ўрганилган прототиплар ҳам, чамаси, Ойбекка бошида кутилган ижобий самаралар бермайди. Ёзувчининг ўзи қаҳрамони Бектемир сингари қўлига қурол олиб, окопларда жанг қилмаган. Лекин «Қуёш қораймас» романининг бош қаҳрамони Бектемир билан, унинг жанггоҳлардаги ўй-фикрлари, психологик ҳолатлари билан 1942 йил декабридан 1943 йил баҳоригача Москва, Воронеж, Курск, Белгородда жанг-чилар орасида, окоп ва блиндажларда бўлган Ойбек ўй-фикрлари, туйғу-кечинмалари ўртасида жуда кўп умумийлик ва яқинлик мавжуд.

«Навоий» романидаги аниқ тарихий фактлардан ташқари хаёл меваси ўлароқ яратилган буюк шоир фазилатлари чизилган, орзу-умидлари ҳақида маълумот берилган, ижод қилинаётган сониялардаги ҳолати ва кечинмалари суратланган лавҳалар билан Ойбекнинг ўзи ўртасида умумийлик мавжудлигини ким инкор эта олади. «Нур қидириб» қиссасидаги шоир Муҳаммад Жамол характери хусусида ҳам шунга яқин фикрни айтиш мумкин. Мазкур фикрлар Ойбек ўзининг барча асарларининг бош қаҳрамони эканлигида, деган маънони билдирмайди, албатта. Гап бу ерда мақоламизнинг бошида айтилган муаллиф ва унинг етакчи ижобий қаҳрамонлари ўртасидаги умумий порлоқ нурларнинг мавжудлиги устида бормоқда, холос. Бу хусусият ёзувчи табиатидаги зиёларнинг қаҳрамон характерига ўтишидангина иборат жараён бўлмай, ундан чуқурроқ ва салмоқлироқ маънога эгадир. Бу ёзувчининг ўз асарларига асос қилиб олган халқ ҳаётидаги бурилиш нуқталар ва тарихий босқичлар ҳамда шу босқичлардаги типик қаҳрамонлар билан ҳамнафас бўлиб яшай олганлигини кўрсатувчи муҳим белги ҳамдир. Фикр юритилаётган фазилатлар адибнинг ўзи замондош бўлган ҳаёт ҳодисалари акс этган—ўзбек халқининг Улуғ Октябрь инқилобини амалга ошириш жараёни бадиий ифодаланилган «Улуғ йўл» ёки урушдан сўнгги тинч қурилиш йилларида қишлоқ хўжалиги ва пахтачиликни янги босқичга кўтариш тасвирланган «Олтин водийдан шабадалар» сингари романлари учунгина эмас, олис мозийдаги ҳаёт манзаралари ва муаммолари акс эттирилган «Навоий» ва «Маҳмуд Торобий» сингари асарлари учун ҳам хосдир. Гап шундаки, муаллиф сўнгги икки асарда акс этган давр фарзанди бўлмасада, халқ манфаати ва инсонийлик йўлида ҳатто замоқ билан ихтилофга кириша олган, жамиятни тебратиб турган асосий кучларга қарши бора олган қаҳрамонларнинг илғор қарашлари билан ўз қарашлари ўртасида умумийлик сезади. Гуманистик ахлоқий-маънавий ва ижтимоий проблемаларга муносабатда бир-биридан узоқ даврларнинг салаф ва ворислигини кўради, шу тариқа тарихнинг бир бутунлигини тарихий мавзудаги асарларининг замонавий аҳамиятини таъкидлаш орқали кўрсатишга муваффақ бўлади.

Ойбек ижоди ҳақида шу вақтгача танқидчилик ва адабиётшуносликда ёзилган нарсалар оз эмас. Лекин бундан буён янада кўпроқ ва салмоқлироқ ёзилиши шубҳасиздир. Чунки ҳар бир янги авлод Ойбек ижодидан ўзи учун янги-янги фазилатлар кашф этади. Бундан ташқари, ҳали шу вақтгача унинг ижодида етарлича ўрганилмаган қирралар ҳам йўқ эмас. Айтайлик, Ойбекнинг аксар романларида ўзбек халқи ҳаётининггина эмас, балки ўзбек халқи турмуши мисолида бутун мамлакат ҳаётининг бурилиш ва тарихий нуқталаридаги ҳодисалар акс эттирилган. Шу маънода Ойбек ижодининг умумиттифоқ адабиёти контекстидаги ўрни ва ролини янада чуқурроқ тадқиқ этиш ўз мутахассисларини кутмоқда.

Ойбекнинг таржимонлик фаолияти ҳақида айрим ишлар амалга оширилган. Лекин К. Марксниг «Капитал»идан айрим боблари, Гётенинг «Фауст», Дантенинг «Илоҳий комедия», Байроннинг «Каин» асарларидан парчаларни, Пушкин ва Лермонтовнинг мумтоз асарларини, Белинскийнинг поэзия ҳақидаги фундаментал тадқиқотини ва яна жаҳон адабиётидан қатор намуналарни ўзбек тилига ўгирган моҳир ва ҳассос таржимон сифатидаги фаолияти ҳам кенгроқ тадқиқ этилиши лозим. Ойбекнинг улкан олим эканлиги ҳам барчага маълум. Ўзбек классик ва совет даври адабиётининг долзарб муаммоларини, айниқса Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди чуқур тадқиқ этилган ишлари айрим мақолаларни ҳисобга олмаганда бугунги адабиётшунослигимизда ҳамон етарлича ўрганилмай келинмоқда. Ҳолбуки, бу мерос ёш тадқиқотчиларимизга муносиб мактаб бўлишидан ташқари, ҳозирги адабиётшунослигимиз муаммоларига ойдинлик кирита оладиган кўпдан-кўп хусусиятларга эгадир.

Ойбек поэзияда, прозада, илмда ва таржимачиликда жуда катта муваффақиятларни қўлга киритди. Лекин бу ютуқларга эришишда у танҳо эмас эди, албатта. Ойбек инқилоб ва санъат муборизи Ҳ. Ҳ. Ниёзий бошлаб берган илғор анъаналарни давом эттирди ва янада ривожлантирди. Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир сингари қаламкаш дўстлари муҳитида ўсди ва вояга етди. Уйғун, Комил Яшин, Зулфия сингари атоқли сўз усталари билан ижодий мулоқот, ҳаммаслаклик унинг камолотида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Коммунистик партиянинг санъат ва адабий соҳадаги сиёсати, жаҳон адабиёти, классик мерос, рус ва қардош халқлар адабиёти намояндаларининг маҳоратидан ўрганиш Ойбек истеъдодининг шаклланиши ва камол топишида муҳим роль ўйнади.

Кўпдан-кўп манба ва омиллардан шу тариқа зиё олиб, чаман бўлган бу ижод гулшани ўз навбатида келгуси насллар ва авлодларга ҳам доимо нур сочиб тураверади. Бу ижод соҳибига халқ ва партия кўрсатаётган ва кўрсатажак иззат-эътибор ҳам абадийдир. Зеро, бутун ҳаёти ва ижодини халқ ва партия мақсадлари йўлида сафарбар этган санъаткорга кўрсатилаётган эҳтиром социалистик жамият ҳаёт тарзининг қонуний ҳодисаларидан биридир.

Саксон йиллиги Иттифоқ миқёсида нишонланаётган Ойбек ижоди инсоният орзу қилган порлоқ жамият бунёд этишда ҳамиша халқ билан бирга бўлади.

М. ҚУШЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

Б. НАЗАРОВ,
филология фанлари доктори.

◆ Суратда: Ойбек ҳамкасблари Николай Тихонов ва Қайсин Қулиев билан.

ОЙБЕК

СОЗИМ

Уйғонгач умрнинг илк баҳори,
Соз бўлди кўнглим самимий ёри.
Ҳамшира каби яқин ва дилбар,
Тонг юлдузидек умидга ундар.

Соз билмади ҳеч маҳал аразни,
Нурлатди юракни жонли базмн.
Ул қўрқмади дуч келса тиканзор,
Офатли бўрон, қутурса сел, қор...

Гар эгса қаддимни чўнг машаққат,
Бир онда учирди — мисли ул пат.
Қишларни баҳор айлаган ул,
Ундирди боғимда хилма-хил гул.

Гулларнинг туси бағир қонимдан,
Маст нози севгининг тонгидан.
Мен у билан айладим таранним,
Ҳар сўзда қуёш қилур табассум.

Дилларда чаман очар бу сўзлар,
Соф ҳис билан яшнамасми кўзлар?
Нур, ҳаққа чақирди халқни созим,
Халқимниккидир сўзим — овозим!

1942 йил.

НАЪМАТАК

Нафис чайқалади бир туп наъматак...
Юксакда, шамолнинг беланчагида,
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,
Виқор-ла ўпшайган қоя лабида,
Нафис чайқалади бир туп наъматак...

Майин рақсига ҳеч қониқмас кўнгил,
Ваҳший тошларга ҳам у берар фусун.
Сўнмайди юзида ёрқин табассум,
Яноқларни тутиб олтин бўса-чун,
Қуёшга тутади бир сават оқ гул!

Пойида йиғлайди кумуш қор юм-юм...
Нафис чайқалади бир туп наъматак...
Шамол инжуларни сепар чашмадак
Бошида бир сават оқ юлдуз—чечак,
Нозик саломлари нақадар маъсум!

Тоғлар ҳавосининг фирузасидан
Майин товланади бутун ниҳоли.
Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди!
Юксакда рақс этар бир туп наъматак,
Қуёшга бир сават гул тутиб хурсанд!

1936 йил.

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

Абдулла ОРИПОВ,
Ҳамза мукофотининг лауреати

ҲАЁТ ва ижод тажрибаси ҳали ниҳоятда кам, ҳақиқий ёзувчини кўрса ҳайратга тушадиган мен қатори ёшлар учун 60 йилларда Ойбек каби улуғ зотлар билан учрашиб, мулоқотда бўлиш фавқулодда бахт эди. Биз ахир мактаб партасидан тортиб дорилфунун аудиторияларида ҳам ўша классик ёзувчиларимиз асарларини ўқиб, савод чиқарганмиз. Студентлик пайтларимизда кўча-кўйдами, Ёзувчилар союзида, оммавий йиғинлардами, улуғ адибларимизни узоқдан кўриб, ана Ғафур Ғулом, ана Ойбек, ана Абдулла Қаҳҳор, дея бир-биримизни туртиб, шивирлашар эдик. Ётоқхонага қайтгач, қолганларга мақтанардик. Қаранг, йиллар ўтибди...

Мен Ойбек домла билан у кишининг хонадонида икки марта учрашганман. Икки сафар ҳам домланинг уйларига ўзларининг йўқламлари туфайли борганман. Илк дафъа Ойбек романларининг муҳаррирларидан бири марҳум Рустам Комилов билан бирга бордим. Ўша йиллар мен Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаб юрардим. Эсимда, нашриётда Рустам ака бир кун терлаб-пишиб, «Сени Ойбек ака йўқлаяпти», — деб қолди. Эндигина уч-тўрт нарсаси эълон қилинган, ҳали ўз қаламига ишониб-ишонмай юрган ёш шоирга шу ташриф қанчалик таъсир қилганини тасаввур этиш қийин эмас.

...Уйга кираверишдаги залда, деворга тақаб қўйилган мўъжаз стол атрофида, домланинг рўпарасида анқайиб ўтирган ўша дақиқаларимни бир умр унутмасам керак. Рустам ака мени таништиргач, домла машаққатли талаффуз билан исмимни такрорлади. Кейин улар Зарифа опа иштирокида «Навоий» романининг қайта нашри билан боғлиқ баъзи тузатишларни муҳокама қилиб олишди. Мен бўлсам, бу мўътабар даргоҳда дафъатан нечун пайдо бўлиб қолганимни тушунолмай ҳайрон бўлиб ўтирардим. Шу орада Зарифа опа «Ойбек адабиётимизнинг ўзидан кейинги қоладиган вакиллари, хусусан, кенжа авлоди билан қизиқаётганини, баъзи бирларимизнинг машқларимизни ўқиганлиги, мени ҳам шу сабабдан йўқлаганини» жасур бир кайфиятда айтиб қолди. Домла ниҳоятда жуда кам учрайдиган самимият ва болаларча беғуборлик билан опанинг гапларини тасдиқ этди. Ўша кунги қисқагина суҳбат адабий ижод заҳмати ҳақида бўлди. Эсимда, Зарифа опа «Ойбек сизларнинг ёшингизда китоб ўқишдан бошқа нарсани билмасди, Навоий, Пушкин, Гёте, Дантеларни жуда кўп мутолаа қиларди, кинога кам кирарди»,— деганида бутун вужудимдан муздек тер чиқиб кетди. Мен гарчанд кино-театрларга ҳадеб кираверишни ёқтирмасам ҳам бу ўгитда вақтингни, ёшлигингни беҳуда ўтказма, деган писанда-масални илғаган эдим. Ойбек домла бу ўгитни азбаройи таъкид билан тасдиқлади. Мен кейинчалик жуда узоқ маҳал ўша суҳбат таъсирида юрдим...

Иккинчи дафъа Ойбек хонадонига ёзувчи дўстим Носир Фозилов билан — иккимиз кириб бордик. Домла ҳовли ўртасида оддийгина курсида, бошида қоракўл папаҳ, ёлғиз ҳаёл суриб ўтирган экан. Ичкарига таклиф этди. Ўша стол атрофида давра олиб ўтирдик. Носир ака ўзига хос чечанлик билан Ойбек домлани гапга соларди. Мен бўлсам, журъатсиз аҳволда мум тишлагандай жим эдим. Фавқулодда Ойбек домла менга қараб, чап қўли билан хитоб қилиб «Ўқи!» — деб қолди. Ўша кунлари Кавказдан қайтиб, «Арманистон» деган шеъримни ёзиб тугаллаган эдим. Нима бўлса бўлар, деб шеърни ўқиб юбордим. Ўша учрашув тафсилотини Носир Фозилов «Ленин учқуни»газетасида кейинчалик ёзиб ҳам чиққан. Хуллас, ўша куни менинг бутун умримга татирлик ҳодиса юз берди: Ойбек домла Ёзувчилар союзига киришимга тавсия ёзиб берди.

Ойбек ижоди атрофида юзлаб варақ мушоҳадаю таассуротлар ёзиш мумкин. Лекин ҳозир гап домланинг барҳаёт сиймосини хотирлаш ҳақида кетаётган экан, мен ҳам у киши билан қисқа, лекин бир умр унутилмас учрашувларимни эсга олдим.

Тўғрисини айтсам, ўша кунларни эслаш ҳозир мен учун бир томондан мароқли бўлса, бир жиҳатдан изтироблидир. Мароқли томони шундаки, Ойбекдай улуғ инсон, улкан адиб билан юзма-юз гаплашганимдан баҳтиёрман; изтиробли томони шундаки, менким, бир ёш шоир у зот билан рўбарў келганимда қачондир ўша учрашувларни хотира қилиб ёзарман, деб ўйлабмидим...

◆ Тошкентлик мактаб ўқувчилари адиб ҳузурида.

С. Маҳкамов фотоархивидан.

УСТОЗ СУРАТИГА

Бутун жаҳон тонги учун биз
Элтмоқдамиз буюк қуёшни.
ОЙБЕК.

Халқидай устивор, асрий ва бут,
Улуғвор сиймоми ё боқий офтоб?
Нимадир демоқчи, қўлида китоб—
Ҳаёл осмонида чарх урар бургут!
Фикрини чалғитмай боқаман беҳол,
Келажак олдида турган каби лол.

Қалбга қўл солган нигоҳлар дилгир,
Теран маъниларнинг мағзини чақар.
Гўё тонг олдидан тўлиққан саҳар—
...Ҳали замон тўкар кўнгилларга нур.
Бир нурким, умри фузундан фузун,
Нурли нигоҳларда сеҳри яшрини.

Аллома назари сирғалар қалбга
Унутиб батамом ўзлик-жаҳонни,
Дунёда бермасман шу боқий онни.
Титраган бир овоз кўчади лабдан:
Меҳнат, машаққатни билдингиз ором,
Шундан ижодингиз тан олди олам.

Билмадим, ўлкамда қанча пайкал бор,
Ундан кам эмас-ов, сиз тизган сатр?
Қуёш нурларидай оламга татир,
Йўлчининг йўлидай боқий ҳайкал ёр.
Шу йўлдан боқасиз оламга масрур,
Ўйчан нигоҳларда халқимдан шуур.

Шуурки, оламий одамлик унда,
Оламий омонлик қўшиқлари бор,
Қўшиқлар қаноти жуфту биродар,
Шуурки, оламий собитлик унда.
Тинглайман шу олам қўшиқларини,
Ўпаман гўдаклар бешикларини.

Шуурки, ундадир ишчан бир оҳанг,
Унда жилмаяди тинчимас деҳқон.
Шовқинли дастгоҳлар, шовуллаган дон.
Чўпон яйловидан кўтарилган тонг...
Шундайин тонгларга йўғрилган шуур
Навоий руҳидай оламни кезур!

ОТАЁР.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНДИ

Куни кеча Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида атоқли адиб Ойбек таваллудининг 80 йиллигига бағишланган «Ойбек ижодида меҳнаткаш образи» мавзуида илмий-тематик конференция ўтказилди.

Конференцияни очган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Э. Ю. Юсупов Ойбек асарларининг жамиятимиз тараққиётида тутган ўрни ва уларнинг аҳамиятига тўхталди.

Шундан сўнг филология фанлари докторлари С. Мамажонов, Ҳ. Ёқубов, Б. Назаров, филология фанлари кандидатлари Н. Каримов, А. Каттабеков, М. Иброҳимовларнинг моҳир сўз санъаткори ижодий маҳоратининг ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи қизиқарли доклад ва ахборотлари қизиқиш билан тингланди.

Конференцияда иштирок этган республикамизнинг таниқли ёзувчи ва шоирларидан Борис Пармузин, Иброҳим Раҳим ва Қуддус Муҳаммадий тўпланганларга ўзларининг Ойбек ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ хотиралари, атоқли адибнинг мураббийлик фазилатларига боғлиқ воқеалардан сўзлаб бердилар.

Бир ўлкаки тупроғида
олтин унади,
Бир ўлкаки қишларида
шовуллар баҳор...

Диктор шу сатрлар билан бошланувчи шеърни ўқир экан, экранда пойтахтимиз Тошкентнинг ғўлай манзаралари намоён бўлади. Томошабин кўз ўнгида ана шу манзара билан бирга атоқли ўзбек адиби Ойбекнинг қиёфаси гавдаланади. Чунки Ойбекнинг бу шеъри ҳар бир ихлосманд қалбидан чуқур жой олган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида устоз адибнинг 80 йиллигига бағишлаб суратга олинган картина шу шеър билан бошланади.

Шундан сўнг воқеалар Ойбек яшаб, ижод этган ҳовлига кўчади. Экрандан бирма-бир адиб ҳаёти ва ижодининг муҳим босқичлари ўта бошлайди. Шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, фильм муаллифлари (режиссёр О. Акромов, сценарий автори И. Ғофуров) томошабин кўз ўнгида катта бир ёзувчининг шаклланиш даврини намойиш этиш, асарлари аҳамиятини кўрсатиб бериш, Мусо Тошмуҳаммад ўғли — Ойбекнинг ўзбек совет адабиётида тутган ўрнини аниқлаш мақсадида жиддий изланганлар.

Бунда ҳужжатли лента-лардан, Ойбекнинг ҳамкасблари, шогирдлари ва яқин кишиларининг хотираларидан унумли фойдаланилган. Айниқса, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаевнинг сўзлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Рассом Ойбекнинг кўзларини бургут кўзларига қиёслайди.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, ёзувчи Пиримқул Қодировнинг дил сўзлари ҳам чуқур муҳаббат билан йўғрилган. Ленинград университетининг профессори Сергей Иванов эса Ойбек асарларининг таржимони сифатида адиб ижодининг аҳамияти хусусида катта самимият билан сўзлайди.

Фильм қисқа муддат давом этса-да, ўзбек-совет адабиётида ўзига хос из қолдирган ёзувчи ҳақида яхшигина маълумот беради. Шубҳасиз, бунда Ойбек уй-музейи архивидаги материаллардан фойдаланилгани, музей ходимлари кўрсатган ёрдам катта аҳамият касб этган. Картинанинг асосий ютуғи шундаки, режиссёр ва оператор ҳар бир эпизодни ўз ўрнига жойлаштиришга, воқеалар изчиллигига эришишга муваффақ бўлганлар. Кадрлар ниҳоятда усталик билан монтаж қилингани учун ҳам томошабин бирон бир дақиқага ҳам чалғимайди.

Картинадаги музика хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ҳар бир эпизодга ўз характери хусусиятидан келиб чиқиб куй танланган. Бу куйлар экранда кечаётган воқеаларга ўзгача ифода бахш этади, уларни тўлдиришга хизмат қилади. Бизнингча, фильм хотимаси ниҳоятда чиройли топилган.

Мана, Ойбек уй-музейига киришдаги дарвоза. Қўлларида гул кўтарган ўғил ва қизлар ҳовлига аста кириб келадилар, адиб ҳайкали пойига гулдасталар қўядилар. Шундан сўнг улар биттадан шамчироқ тутиб, хонадаги хонтахта устига қўядилар. Зум ўтмай, у ерда 80 та шамчироқ пайдо бўлади. Бу Ойбекнинг барҳаётлигига, унинг асарлари ҳали неча-неча авлодлар қўлидан тушмаслиги, номи одамлар тилида достон бўлишига рамзий ишорадир.

Ҳа, устоз Ойбекнинг умри халқ умрига, Ватан умрига абадий пайваста, унинг асарлари кўпларга илҳом бахш этади.

Г. УМАРОВА.

ХАЛҚ УМРИГА ПАЙВАСТА

Машҳур ёзувчилар Ойбек ҳақида

● **БАДИИЙ прозада классик анъаналарга қарийб эга бўлмаган ўзбек совет адабиёти илк бор «Ўч», «Бахтигул ва Соғиндиқ» каби ажойиб поэмалари билан танилган, ҳозир эса академик Ойбекдай улкан прозаикни етиштириб берди. Сўнгги йилларда иккита машҳур роман, «Қутлуғ қон» ва «Навоий»нинг яратилиши ҳамда рус тилига таржима қилиниши совет насрида чинакам катта воқеа бўлди.**

Александр ФАДЕЕВ.

● **БИЗ Ойбек биографияси ва асарлари билан қанчалик кўп шуғуллансак, ўзбек тупроғидан аллақачонок чиқиб, совет ёзувчисига айланган ва халқаро миқёсда танилган бу атоқли адибнинг сиймосини шунчалик кўп инкишоф этган бўламиз. Унинг асарлари адабиётимизнинг янада ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга, ўзгача айтганда, ёш ёзувчилар бу асарлардан кўп нарсани ўрганадилар, улар навқирон авлод учун ҳамиша ўрнак бўлиб қолади.**

Николай ТИХОНОВ.

● **ТАҚДИРИМИЗ шундай келди. Икки ғариб маҳалладан чиққан икки ғариб йигитни улуғ Ленин партияси вояга етказди. Шу миннатдорчиликни ёзар экансан, чор-ночор ўзинг ҳам қўшилиб кетасан киши.**

Олдинма-кейин лауреат бўлдик. Аммо тан бериб айтиш керакки, Ойбек ғоят бардошли, қунтли, заҳматкаш ижодкордир.

Ойбекнинг серҳосил, ўткир ижодкорлигини бизнинг адабиёт тарихида кимга ўхшатиш мумкин!

Ойбекни ўзига, Ойбекка ўхшатиш мумкин.

Ғафур ҒУЛОМ.

Машҳур ёзувчилар Ойбек ҳақида

◆ **Талант қанчалик катта, қанчалик қудратли бўлмасин, ҳар нечук юзада бўлмайди, конга ўхшаш ернинг қаърида бўлади. Бу кон — талантни қазиб олиш учун аввало катта ақл, катта билим, матонат, куч-ғайрат, буларнинг устига дард бўлиши керак.**

Катта талант эгаси Ойбекда мана шу хислатларнинг ҳаммаси мавжуд. Ойбек мана шу хислатлари билан халқимизнинг маънавий хазинасига катта бойлик қўшди.

Абдулла ҚАҲҲОР.

◆ **Ойбек юртимизнинг оташин шоири, улкан адиби, шунинг билан бирга у каттакон публицист, олим ва таниқли жамоат арбоби ҳам. Улуғ Ватан уруши йилларида у фронтга борди, жанг бўлиб ўтган ерларни ўз кўзи билан кўрди, жангчилар билан ертўлаларда ётди, узоқ суҳбатларда бўлди. Озод этилган қишлоқларда кезиб аҳоли билан учрашди, сўзлашди. Жангчиларга янги шеърлар қўшиқлар ёзиб, ўқиб берди. Қалам ғалаба учун самарали ишлай олди, қалам ғалаба учун сафарбар бўлди. Ойбек муқаддас Ватан уруши йилларида қатор бадиий очерклар, публицистик мақолалар ҳам ёздики, булар фронт орқасида астойдил меҳнатга ундовчи даъватлар бўлиб жаранглаб турди.**

МИРТЕМИР.

СОВХОЗДА АДАБИЙ КЕЧА

ЯҚИНДА Ойбек номли совхознинг истироҳат боғи меҳнаткашлар билан гавжум бўлди. Бу ерда Ўзбекистон ССР халқ шоираси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, халқаро «Нилуфар» мукофотининг лауреати Зулфия, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Гулчеҳра Жўраева, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг доценти, адабиётшунос олима Ҳулкар Олимжоновалар-нинг пахтакорлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув Ойбек таваллудининг 80 йиллигига бағишланди.

Учрашувни совхоз партия комитетининг секретари И. Субанов очди. Олима Ҳ. Олимжонова атоқли сўз санъаткори Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб, унинг ижодий мероси-дан намуналар ўқиб берди. Йиғилганлар Зулфия ва Гулчеҳра Жўраеваларнинг чиқишларини зўр қувонч билан кутиб олишди. Учрашув меҳнат аҳлида катта таассурот қолдирди.

Р. ЭСОНОВ,
Бекобод райони.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ЭРОН—ИРОҚ МОЖАРОСИ

◆ БАҒДОД, 5 сентябрь. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг навбатдаги маълумотларига қараганда, сўнгги кунларда Ироқ вертолётлари фронтнинг шимолий-шарқий участкасида Эрон қўшинларига ялпи зарба берган.

Ироқ артиллерияси душманнинг олдинги марраларини ҳамда мудофаа чизиғи ичкарисидаги ҳарбий объектларини артиллериядан ўққа тутган. Снарядлар нишонга тегиб, ўт очиш нуқталари, блиндажлар, инженерлик иншоотлари яксон бўлган.

Эрон батареялари Ироқ территориясидаги Мандали шаҳри ва Тавила қишлоғини ўққа тутган.

◆ НИКОСИЯ, 5 сентябрь. (ТАСС). Эрон ИРНА ахборот агентлигининг хабар қилишича, шимолий участкада Ироқ қўшинлари жанг натижасида солдат ва техникасидан талафот кўрган. Баъзи йўналишларда артиллерия-миномёт отишмалари шунингдек маҳаллий аҳамиятга молик жанглар бўлган.

Ироқ Ободон ва Ҳуррамшаҳр порт шаҳарларини ўққа тутган.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ ПРАГА

Чехословакиянинг Теплице-Метуе шаҳрида альпинизмга бағишланган халқаро кинофестиваль очилди. Тоғ чўққиларини забт этувчи жасур ва мард кишиларни тасвирловчи лента лари Польша, Совет Иттифоқи, Чехословакия, Югославия, Австрия, Буюк Британия ва ГФР вакиллари тақдим этишди.

◆ НЬЮ-ЙОРК

Америкалик негрларнинг гражданлик ҳуқуқлари учун курашчи Жонни Харрис ўлим хавфи остида турибди. Ирқий ва сиёсий бедодликларга қарши кураш миллий озодлик ҳаракатининг ижрочи секретари Фрэнк Чэпмэннинг ТАСС мухбирига айтишича, Харрис Алабама штатидаги Этмор деган жойдаги қамоқхонанинг ўлимга ҳукм қилинганлар камерасида азоб чекиб ётибди. АҚШдаги ва чет эллардаги кенг норозилик тўлқинигина маъмурларнинг бу довюрак курашчидан жисмоний ўч олишига йўл қўймаяпти. Ҳозир Харрис «иши»ни қайтадан кўриб чиқишни талаб қилувчи шикоят ариза сси юқори суд органларига топширилган.

◆ БУЭНОС-АЙРЕС

Бугун Чили меҳнаткашлари манфур Пиночет диктатурасига қарши миллий норозилик кунини ўтказмоқдалар. Пойтахтдаги савдо-саноат ишлари бутунлай тўхтаб қолди, жамоат транспорти юрмаяпти, бошланғич ва ўрта мактаблар ҳувиллаб ётибди. Студентларнинг диктатурага қарши шу ойга белгиланган қудратли намойишларига йўл қўймаслик учун маъмурлар олий ўқув юртларидаги каникулни 23 сентябргача узайтирдилар. Бироқ, студентлар норозилик кунида меҳнаткашлар оммаси тарафида туриб актив қатнашмоқдалар.

◆ СТОКГОЛЬМ

Мальменинг коммунал маъмурлари Швециянинг ўз катталиги жиҳатидан учинчи ўринда турувчи шу шаҳрини ядро қуролидан ҳоли зона деб эълон қилишга қарор бердилар. Тинчлик учун курашчилар маҳаллий ҳаракатининг активлари ўртага ташлаган бу таклифни Мальме коммунал вакиллари кенгашида қатнашувчи кўпчилик сиёсий партияларнинг депутатлари қўллаб-қувватладилар. Бу қарор чуқур рамзий маънога эга, Европа шимолида ядросиз зона вужудга келтириш соҳасидаги фаолиятга ҳисса бўлиб қўшилиши лозим, деди Швеция тинчликни ҳимоя қилиш миллий комитети маҳаллий бўлимининг активларидан Мария Альбин «Норшенсфламма» газетасининг мухбири билан суҳбатда.

◆ БАЙРУТ

Ливаннинг Захля шаҳрида мина жойланган автомашина портлатилди. Маҳаллий радиостанцияларнинг хабар қилишича, чошгоҳ пайтда шаҳар бозори яқинида қилинган мана шу террорчилик ҳаракати натижасида ўн киши ҳалок бўлди ва салкам 50 киши жароҳатланди. Ливан оммавий ахборот воситалари мамлакатдаги аҳволни бартараф этиш учун қилинаётган уринишларни барбод этиш мақсадини кўзловчи бундай ҳаракатларда Исроил агентларининг қўли борлигини неча марталаб уқтирган эдилар.

(ТАСС).

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 9 сентябрь куни МТ I программасининг кўрсатувлари соат 9.00 дан 17.50 гача 5-канал орқали намойиш этилади.

ДУШАНБА, 9. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.10 «Ўсмирлар ижоди».
10.40 «Командировка». Телефильм премьераси.
11.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қувноқ сеҳргарлик». Бадиий фильм.
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Совет кишиси учун». Телефильмлар.
16.05 «Драматургия ва театр». А. М. Горький. «Мешчанлар».
17.00 Корея Халқ Демократик республикасининг миллий байрами — КХДР ташкил топган кунга. «Тэдонган дарёси узра мажнунтоллар». Киноочерк.
17.20 «Онамларнинг мактаби».
17.50 «Горнчилар, қаердасиз!»
18.20 Болгариянинг миллий байрами — Озодлик кунига бағишланган БХР телевиденнесининг программаси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». «Интенсивлаштириш йўлидан».
20.05 «Биздан юқорида—шаҳар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 Балет ҳақида (Москва шаҳрида бўлиб ўтган балет артистлари У халқаро конкурси якунларига доир).
23.30 Футбол шарҳи.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Мана, бутун умр шундан иборат». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 «Игорь полки ҳақида сўз» ва рус маданияти. 8-синф.
10.05 «Рус тили».
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Жамиятшунослик. В. И. Ленин. «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми», «К. Маркс таълимотининг тарихий қисмати».
11.35, 12.40 Адабиёт. 10-синф. В. И. Ленин. «Партия ташкилоти ва партия адабиёти».
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 «Ўқитувчига—музика сабоғи». 2-синф. 1-кўрсатув.
14.10 Тарих. 6-синф. Ўрта асрдаги дастлабки қонунлар мажмуаси ҳақида.
14.40 Табиатшунослик. 3-синф. Жойнга қараб мўлжал олиш.
15.00 «Машаққатли бахт». Бадиий фильм (КХДР).
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Ритмик гимнастика.
19.15 Оперетта артистларининг концерти.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Фақат душанбалардан иборат йил». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

7.25 Кўрсатувлар программаси.
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!»
8.30 «Ахборот».
8.50 «Кобра». Телефильм.

* * *

17.50 Янгиликлар.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Меҳнат чораги».
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.10 «Халқ депутати». Депутатларнинг сайловчилари билан учрашувлари якунларига доир.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.00 «СССР Давлат мукофотига номзодлар». Кулол Муҳиддин Раҳимов (такрорий).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Камер куйлари кечаси».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 «Халқ севган адиб». Узбекистон халқ ёзувчиси Ойбек туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган кўрсатув.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.25 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Чекма!» Ҳужжатли фильм.
18.15 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Информатика ва ҳисоблаш техникаси нима (рус.).
18.45 «Сўқмоқдаги бешовлон». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Кекса авлод», «Тажрибада синаб кўрилган». Телефильмлар.
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 10. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Болаларга совға». Телефильм.
10.10 «Горнчилар, қаердасиз!»
10.40 «Биздан юқорида — шаҳар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.00 Татар халқ куйлари.
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Инсон ва табиат». Телефильмлар.
16.15 «Совет адиблари В. И. Ленин ҳақида».
17.15 Орган куйларидан концерт.
17.45 Сув чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Францияда олиб кўрсатилади.
18.30 «Дўстларимга қўшиқ куйлайман». Ҳаваскор хонанда ҳақида телеочерк.
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Шу куннинг почтаси».
20.05 «Биздан юқорида — шаҳар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Олам кинокамера кўзгусида».
23.15 Т. Хренников. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун концерт.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Кўзда тутилмаган вазиятли лавозим». Телефильм.
9.35, 10.30 Табиатшунослик. 2-синф. Биз табиат билан танишамиз.
10.00, 13.25 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.50 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. «Шахсни ҳар томонлама камол топтириш». 2-кўрсатув.
11.35, 12.40 Физика. 7-синф. Табиатда ва техникада иссиқликни узатиш.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 «Кантемировчилар». Илмий-оммабоп фильм.
13.55 «Усмирликнинг илк тонги». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
15.05 «Тарих саҳифалари». «Терминал» операцияси». СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари бошлиқлари Потсдам конференциясининг 40 йиллигига.
16.00 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Ю. А. Жуков суҳбати.
19.20 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Италия—Испания терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
20.05 Бандурачилар триоси ижро этади.
20.20 «Ёз хотиралари». Телефильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
21.30 «Время».
22.05 «Нарғи қирғоқдаги пристань». Телевизион бадиий фильм.
23.10 Бокс бўйича жаҳон чемпионати. Усмирлар. Руминиядан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

7.25 Кўрсатувлар программаси.
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!»
8.05 Музикали дақиқалар.
8.15 «Хохловка». Телефильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 «Чемпион бўлишни хоҳлайман». Телефильм.

* * *

18.15 Янгиликлар.
18.30 «Мўъжизалар куни». Болалар учун фильм-концерт.
18.55 «Ахборот» (рус.).
19.10 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Металлург» (Запорожье). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот».
21.20 «Мен чегарада хизмат қиламан». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»).
21.30 Москва. «Время».
22.05 Узбекистон халқ ёзувчиси Ойбек туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.05 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Сиёҳ одам». Телевизион бадиий фильм.
19.20 Эстетика асослари. Эстетика фани нималарни ўрганади (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Астрахань». Телефильм.
20.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Социалистик жамиятда ҳуқуқ ва ахлоқ.
21.00 «Дон учун қўшиқ тўқиймаи». Фильм-концерт.
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 11. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.55 «Пингвинлар». Мультфильм.
10.10 «Саёҳатчилар клуби».
11.10 «Биздан юқорида — шаҳар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар: «У ерда, кўмир шахтасида». «Рекорд сари борамиз».
16.10 «Хопер» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти.
16.30 «Ҳозирги замон саҳнасида Улуғ Ватан уруши мавзуи».
17.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.35 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Венгрия — СССР терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Бир асрнинг икки чораги». Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Г. С. Титов ҳақида телефильм премьераси.
20.00 «Биздан юқорида — шаҳар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
22.20 «Қадимий рус романси ва вальси».
23.20 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Припять узра лайлак». Телефильм.
9.35 «Тасвирий санъат». В. А. Фаворский устахонасида.
10.35, 13.40 Немис тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. Астрономиянинг амалда қўлланилиши.
11.35, 12.40 Умумий биология. 9-синф. Биология халқ хўжалигида.
12.05 «Онамларнинг мактаби».
13.10 Тарих. 4-синф. Муз устидаги жанг.
14.10 «Усмирликнинг илк тонги». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.15 Болтиқ ветеранларининг оилалари билан учрашув.
15.55 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Музикали киоск».
19.20 «Ферма». Ҳужжатли фильм.
19.30 «Довюраклар, эпчиллар, қувноқлар...» Цирк программаси.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Қишлоқда таътиллар». Телефильм.
21.20 «Янги катта кўнгилсизликлар». Катталар учун мультфильм.
21.30 «Время».
22.05 «Жар ёқасида». Бадиий фильм.
22.50 Хоккей бўйича халқаро учрашув. ЧССР — СССР терма командалари. 2- ва 3-даврлар. ЧССРдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

7.25 Кўрсатувлар программаси.
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!»
8.05 «Чол ва кўл». Телефильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 «Дўстлар учрашганда». Фильм-концерт.
10.30 Рус адабиёти. Горький ва Узбекистон.

* * *

18.15 Янгиликлар.
18.30 «Тенгдошларинг ижоди».
19.05 КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик! «Сергей Норкин ва унинг бригадаси» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.00 «Бир асар тарихи». А. Қаҳҳор. «Шоҳи сўзана».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Балет кечаси».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хоразм области шолипояларида».
22.25 «Қизил палатка». Бадиий фильм. 1-серия.
23.45 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.00 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Вақт кутиб турмайди». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
19.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Фестиваль садоси».
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Монолог». Телефильм.
20.50 Эстетика асослари. Эстетика фани нималарни ўрганади.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 12. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Москва ўқитувчилар хори куйлайди.
9.55 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
10.55 «Биздан юқорида — шаҳар». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Анъаналар ворислари». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 А. Алябьев. 3-квартет.
16.40 «Ёнма-ён юлдузлар». Ҳужжатли фильм премьераси.
16.50 «Экологик кундалик».
17.10 «Дўстлик кўли куйлари». Фильм-концерт.
17.40 Эфиопиянинг миллий байрами — Революция кунига. «Эфиопия репортажи».
18.05 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Польша — СССР терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Швейцария — Ирландия терма командалари. 2-тайм. Швейцариядан олиб кўрсатилади.
20.15 «Биздан юқорида — шаҳар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР кубоги. 1/8 финал. «Спартак» — «Динамо» (Киев). Танаффус пайтида (22.45) — «Жар ёқасида». Сурункали алкоголизмни даволаш ҳақида илмий-оммабоп фильм.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Владивосток». Телефильм.
9.35, 10.35 Табиатшунослик. 4-синф. Қуёш ва қуёш системаси.
9.55 «Иссиққўл этюдлари». Илмий-оммабоп фильм.
10.05, 13.20 Испан тили.
10.55 «Қизил рассом». Илмий-оммабоп фильм.
11.05 Қ. Қулиев поэзияси.
11.35, 12.40 Зоология. 7-синф. Ўргимчаклар.
12.00 «Бригадалар резервлардан фойдаланмоғи керак». Илмий-оммабоп фильм.
12.10 «Оила ва мактаб».
13.05 «Ёнғин пайтида одамларни асраб қолиш». Илмий-оммабоп фильм.
13.50 «Усмирликнинг илк тонги». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
14.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
15.55 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Италия — Венгрия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Янгиликлар.
20.50 Ритмик гимнастика.
21.30 «Время».
22.05 «Кинг-Конг гриппи». Бадиий фильм (ГДР). 1-серия.

● ЎзТВ I

7.25 Кўрсатувлар программаси.
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!»
8.05 «Автомобилни қувиб ет». Телефильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 Болалар учун концерт (такрорий).
9.20 «Истеъдодингни топ», «Қишлоғимиз ўқитувчиси». Телефильмлар.
10.30 Зоология. Бўғимоёқлилар типи. Умумий обзор.

* * *

18.15 Янгиликлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.00 «Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — ҳаёт талаби» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион театр. Ойбек. «Қизлар».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бутунитгифоқ «Ўртоқ кўшиқ» программасининг ғолибларини таништиримиз».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қизил палатка». Бадиий фильм. 2-серия.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.00 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Вақт кутиб турмайди». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
19.25 «Қувноқ стартлар» (такрорий).
20.05 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Нон» сўзини бош ҳарф билан ата», «Кодраларда ҳовли тўйлари». Телефильмлар.
21.00 «Тарих саҳифалари». К. Ф. Рилеев. Туғилган кунининг 190 йиллигига.
21.30 МТ II

ЖУМА, 13. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.55 Мультфильмлар: «Петя — хўрозча», «Қайчилар ва бола».
10.10 «Боку — кеча... бугун... эртага». Телефильм.
10.55 «Моҳир қўллар».
11.25 «Биздан юқорида — шаҳар». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «80-йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 «Рус тили».
16.35 «XVIII аср рус вокал лирикаси».
17.05 «Революция мадонналари. Никарагуа, 1985 йил». Ҳужжатли фильм премьераси. Халқ армияси жангчилари билан бирга революция ғалабаларини ҳимоя қилаётган Никарагуа хотин-қизлари ҳақида.
17.30 «Отларга минилсин». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси.
18.35 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Испания — СССР терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Белоруссия ССР ҳунар-техника таълими бадиий коллективларининг чиқиши.
19.50 «Пирамида». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Анна Герман, тақдири ва қўшиқлари».
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича халқаро учрашув. ЧССР — СССР терма командалари. 1,2-ва 3-даврлар. Чехословакиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтларида — «Дунё воқеалари» ва шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Эришкесда яшаймиз». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Тарих. 4-синф. Қадимий Киевда.
10.05, 13.40 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 География. Дарёлар ва кўллар.
11.35, 12.40 Қиссалар. 5-синф.
12.05 «Асли уруш йилларидан». Илмий-оммабоп фильм.
13.10 Астрономия. 10-синф. Юлдузли осмон.
14.10 «Тўртинчи баландлик». Бадиий фильм, субтитр билан.
15.25 «Тарих саҳифалари». Петербург «Ишчилар синфини озод қилиш учун курош Союзи» ташкил топганлигининг 90 йиллигига.
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Актуал мавзуларда: халқ истеъмоли моллари, хизмат кўрсатиш тармоғи».
19.20 Халқ куйлари.
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.05 «Кинг-Конг гриппи». Бадиий фильм (ГДР). 2-серия.

● ЎзТВ I

7.25 Кўрсатувлар программаси.
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!»
8.05 «Пионер янгиликлари».
8.15 «Шаҳарликлар далада». Ҳужжатли фильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий).
9.20 «Денгиздан эсган шамол», «Чанқовни қондириш». Телефильмлар.
10.30 Жамиятшунослик. Фалсафанинг асосий масаласи.

* * *

18.15 Янгиликлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Завқли масқара».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.00 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан».
20.30 «Ахборот».
20.50 А. Островский номли Тошкент театр ва рассомлик институти студентларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 «Баҳс». Ёшлар учун аҳлоқий-этик мавзуларда кўрсатув.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Полизчи хўтик». Қўғирчоқ фильм.
18.25 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари.
19.00 «Шаҳарликлар дастурхонига». «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси, Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси ҳамда Узбекистон телевиденнесининг биргаликдаги рейди.
19.30 «Оқ йўл!» Телефильм.
19.40 Тошкент янгиликлари.
20.00 «Қутлуғ қон». Бадиий фильм.
21.30 МТ II

ШАНБА, 14. IX

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Биринчи қорга қайтиш». Ҳужжатли фильм.
9.55 СССРда Болгария бадиий ҳаваскорлик ижодиёти фестивали.
10.55 «Асли болаликдан». А. С. Макаренко.
11.40 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
12.10 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». РСФСР халқ рассоми В. Загонек.
12.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.10 «Музика ва поэзия».
13.40 Брянск шаҳрига асос солинганлигининг 1000 йиллигига. «Жонли хотира». Телефильм.
14.15 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Мен хонанда ўғли ва яхши ашула айтадиган кишининг набирасиман» (Португалия).
14.45 «Эртага — Ўрмон ходимлари куни». Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноати министри М. И. Бусигин сўзи.
15.00 «Дунё воқеалари».
15.15 «Кутузов». Бадиий фильм.
17.00 «Халқ куйлари янграйди». Концерт.
17.20 Сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко суҳбати.
17.50 «Ҳайвонот оламида».
18.50 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.20 «Бир стакан сув». Телевизион бадиий фильм. 1-ва 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Музикали танаффус». Эстрада кўрсатуви.
22.35 «Конструктор жангда». Авиаконструктор С. А. Лавочкин ҳақида ҳужжатли фильм.
22.55 Хоккей бўйича халқаро учрашув. ЧССР—СССР терма командалари. 2-ва 3-даврлар. Чехословакиядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Насиҳат». Ҳужжатли фильм.
9.50 СТАВРОПОЛЬ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.05 «Арам Хачатурян — рассом, гражданин». Тўрт серияли телефильм премьераси. 1-серия.
12.10 «Тонгги почта».
12.40 Футбол бўйича СССР кубоги. 1/8 финал. «Факел» — «Динамо» (Минск). Воронеждан олиб кўрсатилади.
Футбол бўйича СССР кубоги. 1/8 финал. «Торпедо» (Москва) АСК (Хабаровск).
14.15 В. Врублевская. «Кафедра». Телеспектакль.
16.35 Джо Борн куйлайди (Нидерландия).
17.00 Мультфильмлар: «Ёз ҳузурида меҳмонда», «Бизнинг қалам».
17.30 «Стадион ҳамма учун».
18.00 «Биргалашиб қўшиқ куйлайлик, дўстлар».
19.45 Мотоспорт бўйича Европа чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
20.15 Халқаро обзор.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Ташвишда ўтган икки кун». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

7.25 Кўрсатувлар программаси.
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!»
8.05 Врач маслаҳати.
8.15 «Қуёш нурида етилган меваларр». Телефильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 Кичик концерт.
9.10 «Келажак ҳақида ўйласак». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»).
9.20 «Киноредакция почтасидан».
10.05 «Буни ҳамма билиши ва ундалаши керак».
10.35 «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.
12.00 «Агар соғлом бўлай десанг» (рус.).

* * *

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Қизиқарли учрашувлар». Юқори синф ўқувчиларининг УзССР халқ ёзувчиси Ҳ. Назир билан учрашуви.
19.00 «Инсон ва табиат». Ўрмон ходимлари кунига бағишланган кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ўйларимиз иссиқ бўлсин учун» (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Тожикистон ССР халқ артисти Жўрабек Набиев куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Саҳна санъати усталари». СССР халқ артисти Шукур Бурхонов.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 17.00 МТ II
17.50 Кўрсатувлар программаси.
17.55 Октябрятлар учун. «Ситорача».
18.30 «Мен, сен ва мультик».
19.00 «Новости».
19.20 «Дала ишлари». Киноочерк.
19.35 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
19.45 Концерт.
20.30 «Ахбор».
20.50 «Яна бир бор оқ йўл». Телетеатр.
21.30 МТ II

ЯКШАНБА, 15. IX

ЎРМОН ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.55 М. Глинка. «Тугалланмаган соната».
10.10 Ўрмон ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильм.
10.40 «Спортлото»нинг 37-тиражи.
10.50 «Будильник».
11.20 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
12.20 «Тонгги почта».
12.50 «Здоровье».
13.35 «Қишлоқ янгиликлари».
14.35 «Музикали киоск».
15.05 Болалар учун фильм. «Дўстлик ороли» (Финляндия).
15.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Финал группалари командаларининг матчи. Италиядан олиб кўрсатилади.
16.30 «Саёҳатчилар клуби».
17.30 «КОАПП». Турли нўзлар билан». Мультфильм премьераси.
17.45 «Бугун—Ўрмон ходимлари куни». Кўрсатувда СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитети раиси А. И. Зверев иштирок этади.
18.15 Ўрмон ходимларининг талабларига биноан кўнцерт.
19.00 «Халқаро панорама».
19.45 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Финал группалари командаларининг матчи. Италиядан олиб кўрсатилади.
20.25 «Катта Володя, кичик Володя». А. П. Чехов ҳикоялари асосида телевизион бадиий фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Мен сен билан хайрлашмайман». Латвия ССР халқ артисти Р. Паулс ва В. Леонтьев иштирокида телевизион музикали фильм премьераси.
22.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
22.50 «Вақтичоғлик». Ҳужжатли фильм.
23.10 Янгиликлар.
23.15 Регби бўйича СССР чемпионати. Ю. А. Гагарин номли ҲҲА — «Слава».

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Қувноқ нотачалар». Болалар боғчаларида тарбияланувчиларнинг чиқиши.
9.30 «Игорь Виеру». Телефильм премьераси.
9.55 Ритмик гимнастика.
10.25 «Рус тили».
10.55 «Арам Хачатурян — рассом, гражданин». Телефильм премьераси. 2-серия.
12.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
13.00 «Уч айиқ», «Камалак». Мультфильмлар.
13.20 «Кинопанорама».
14.50 «Ўрмон метеостанцияси». Илмий-оммабоп фильм.
15.00 «9-студия».
16.00 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Фольклор картаси» (Польша).
16.35 «Виждон». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
18.00 Телефильм.
18.30 Мотоспорт бўйича Европа чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
19.05 «Лахемаалик созандалар».
19.25 «Экологик кундалик».
19.45 Итальян қаршилик ҳаракати ветеранларининг Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан концерт-учрашуви.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Спорт, севги ва фантазия». Киноконцерт.
21.30 «Время».
22.05 «Кўк шер». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

7.25 Кўрсатувлар программаси.
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Салом, кичкинтойлар!»
8.05 Врач маслаҳати.
8.15 «Бўёқлар симфонияси». Телефильм.
8.30 «Ахборот».
8.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
9.50 «Сирли чол». Бадиий фильм.
11.10 КПСС XXVII съезди олдидан. «Кинопублицист экрани» (рус.).
11.55 «Узбекистон спорти».
12.25 Реклама.

* * *

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.00 «Бугун — Ўрмон ходимлари куни».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Чет эл эстрадаси концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хамса»нинг 500 йиллигига. А. Навоий. «Фарҳод ва Ширин».
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ